

**АКАДЕМИК Ш.АЛИМОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 06/2025.27.12.Tib.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ш.АЛИМОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

БАБОЕВ АБДУВАХОБ САХИБНАЗАРОВИЧ

**ТУБЕРКУЛЁЗ СПОНДИЛИТИ ДИАГНОСТИКАСИ ҲАМДА
КОМПЛЕКС ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ
ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.26 – Фтизиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)

Бабоев Абдувахоб Сахибназарович Туберкулёз спондилити диагностикаси ҳамда комплекс даволаш усулларини патогенетик асослаш ва такомиллаштириш.....	3
Бабоев Абдувахоб Сахибназарович Патогенетическое обоснование и усовершенствование диагностики и методов комплексного лечения туберкулезного спондилита.....	37
Baboev Abduvakhob Sahibnazarovich Pathogenetic justification and improvement of diagnosis and comprehensive treatment methods of tuberculous spondylitis.....	69
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	76

**АКАДЕМИК Ш.АЛИМОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 06/2025.27.12.Tib.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ш.АЛИМОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

БАБОЕВ АБДУВАХОБ САХИБНАЗАРОВИЧ

**ТУБЕРКУЛЁЗ СПОНДИЛИТИ ДИАГНОСТИКАСИ ҲАМДА
КОМПЛЕКС ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ
ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.26 – Фтизиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2025.1.DSc/Tib1262 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tbcenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Назиров Примкул Хужамович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Зубань Олег Николаевич**
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Худайбердиев Кобилжон Турсунович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Тошпулатова Фатима Кудратовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 06/2025.27.12.Tib.22.01 рақамли Илмий илмий кенгашининг 2026 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100086, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Мажлисий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: +998 71-278-02-09, +998 71 278-15-28; e-mail: tbcenter.uz@mail.ru).

Диссертация билан академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100086, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Мажлисий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: +998 71 278-15-28).

Диссертация автореферати 2026 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2026 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.Н. Парпиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э.А. Абдуганиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш Илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

А.С. Садиков
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда туберкулёз касаллиги соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг муҳим глобал муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Фаол туберкулёзнинг асосий патогенетик хавф омилларидан бири иммунитет танқислигидир, чунки «...дунё аҳолисининг чорак қисми *Mycobacterium tuberculosis* билан зарарланган...»¹, аммо уларнинг фақат 5–10% ида вақт ўтиши билан фаол туберкулёз касаллиги ривожланади. Микобактерияларнинг гематоген диссеминациясидан сўнг ривожланадиган суяк ва бўғим туберкулёзининг 80% гача ҳолатларини туберкулёз спондилити ташкил этади. Ушбу беморларда паравертебрал абсцесслар ва патологик синишлар натижасида 76% ҳолатда неврологик бузилишлар, шунингдек узок муддатли ётоқ режими оқибатида юрак-қон томир, нафас олиш, метаболик, таянч-ҳаракат ва тромботик асоратлар каби асосий муаммоли ҳолатлар мавжуд.

Жаҳон амалиётида туберкулёз спондилити билан оғриган беморларни эрта ташхислаш ва патогенетик даволашни такомиллаштириш мақсадида янги ёндашувлар фаол изланилмоқда. Шу нуқтаи назардан, умуртқа туберкулёзида ривожланадиган асоратлар, хусусан касалликнинг эрта босқичларида суяк тўқимасида туберкулёз яллиғланишининг фаоллашуви натижасида ўчоқли деструкциянинг ривожланиши ва унинг прогрессияси асосида ётувчи патогенетик механизмлар тўлиқ ўрганилмаган. Мазкур ўзгаришлар туберкулёз микобактерияларининг тўғридан-тўғри шикастловчи таъсири, сурункали яллиғланиш фонида ривожланадиган иккиламчи метаболик бузилишлар ёки туберкулёз яллиғланиши билан боғлиқ иммунологик ўзгаришлар билан боғлиқ эканлиги номаълумлигича қолмоқда. Бундан келиб чиқиб, туберкулёз спондилитида иммунологик ва метаболик хусусиятларни касалликнинг клиник кечиши билан ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганиш, шунингдек, суяк ва бўғимлар туберкулёзида суяк тўқимасидаги деструктив жараёнлар асосида ётувчи патогенетик механизмларни аниқлаш алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда туберкулёз спондилити билан оғриган беморларда асоратларни ва ногиронликни камайтиришга қаратилган илмий тадқиқотлар фаол олиб борилмоқда. Бу борада, соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш, шунингдек, тиббий ёрдам сифатини оширишга қаратилган диагностика ва даволашда инновацион ёндашувларни жорий этиш, илмий асосланган технологияларни ривожлантириш ва фтизиатрия хизматининг ташкилий-услубий тамойилларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш...»² бўйича устувор вазифаларда ўз аксини топган. Ушбу

1. **World Health Organization.** *Global tuberculosis report 2025.* Geneva: World Health Organization; 2025.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60-сон Фармони

вазифалар касалликнинг иммунологик, морфологик ва метаболик хусусиятларини ўрганиш асосида туберкулёз спондилити билан оғриган беморларни ташхислаш ва комплекс даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларнинг долзарб йўналиши сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида» ва 2025 йил 19 майдаги ПФ-88-сон «Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2023 йил 20 январдаги ПҚ-12-сон «2023-2026 йилларда фтизиатрия ва пулмонология хизматини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2025 йил 19 майдаги ПҚ-185-сон «Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни амалга оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³

Туберкулёз спондилити диагностикаси ҳамда комплекс даволаш усуллари патогенетик асослаш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: World Health Organization (Женева, Швейцария), Centers for Disease Control and Prevention (Атланта, АҚШ), Institute of Tropical Medicine (Антверпен, Бельгия), University of Cape Town (Кейптаун, Жанубий Африка), National Institute for Infectious Diseases "Prof. Matei Balș" (Бухарест, Румыния), Research Center Borstel – Leibniz Lung Center (Борстель, Германия), Johns Hopkins University School of Medicine (Балтимор, АҚШ), Clinical Trials Registry of India (Ню-Дехли, Ҳиндистон), All India Institute of Medical Sciences (Ню-Дехли, Ҳиндистон), University of Oxford, Wellcome Centre for Human Genetics (Оксфорд, Буюк Британия), Harvard Medical School (Бостон, АҚШ), University of California, San Francisco (Сан-Франциско, АҚШ), Karolinska Institutet (Стокгольм, Швеция), University of Sydney (Сидней, Австралия), Seoul National University (Сеул, Корея Республикаси), Martin Luther University Halle-Wittenberg (Галле, Германия), Hungarian Research Network (HUN-REN)

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи www.who.int/tb; www.cdc.gov/tb; www.itg.be; www.uct.ac.za; www.nasta.ro; www.fz-borstel.de; www.hopkinsmedicine.org; www.ctri.ru; www.aiims.edu; www.well.ox.ac.uk; www.hms.harvard.edu; www.ucsf.edu; www.ki.se; www.sydney.edu.au; www.snu.ac.kr; www.niip.ru; www.kaznmu.kz; www.kgma.kg; www.tb-uzbekistan.uz; www.uni-halle.de; www.unipi.it; www.unipv.it; www.barmherzige-brueder.at; www.ccmu.edu.cn; www.rostgmu.ru; www.psmu.ru; www.hun-ren.hu; www.hospitalbalmis.com. ва бошқа сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

(Будапешт, Венгрия), Capital Medical University (Пекин, Хитой), М.И.Перелман номидаги фтизиопулмонология миллий илмий-тадқиқот институти (Москва, Россия), Ростов давлат тиббиёт университети (Ростов-на-Дону, Россия), С.Д.Асфендияров номидаги Қозоғистон миллий тиббиёт университети (Алмата, Қозоғистон), Академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пулмонология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Туберкулёз спондилити диагностикаси ҳамда комплекс даволаш усулларини патогенетик асослаш ва такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: туберкулёзнинг суяк-бўғим шакллари орасида умуртқа поғонаси зарарланишининг юқори частотаси 80% га етиши ва унинг умумий касалланишининг ўсиши билан боғлиқлиги исботланган (All India Institute of Medical Sciences, Нью-Дехли, (Ҳиндистон)); туберкулёз микобактерияларининг умуртқаларга артериал ва веноз тарқалишининг анатомик механизмлари ва кўплаб ўчоқларнинг шаклланишида умуртқа поғонасининг клапансиз веноз тармоғининг роли аниқланган (University of Hong Kong, Гонконг, (Хитой)); ўчоқларнинг кўпроқ умуртқа поғонасининг пастки кўкрак ва бел қисмларида жойлашиши аниқланган (Peking Union Medical College Hospital, Пекин, (Хитой)); зарарланишнинг парадикс -82%, марказий -15% каби турлари, шунингдек, уларнинг деформация ва неврологик етишмовчилик морфогенези билан боғлиқлиги аниқланган (Indian Spinal Injuries Centre, Нью-Дехли, (Ҳиндистон)); суяк деструкцияси патогенезида цитокин билан боғлиқ остеоиммун дисбаланс ва RANK/RANKL/OPG ўқи фаоллашувининг роли тавсифланган (Kyoto University, Киото, (Япония); Osaka Medical College, Осака, (Япония)); туберкулёз микобактерияси антигенлари таъсирида остеокластогенезнинг кучайиши билан остеобластлар ва лимфоцитларда RANKL экспрессияси тасдиқланган (Nagoya University, Нагоя, (Япония)); остеокластлар фаоллашуви ва яллиғланиш хужайралари миграциясида CXCL9, CXCL10 и CX3CL1 хемокинларининг аҳамияти тавсифланган (University of Cambridge, Кембриж, (Буюк Британия)); ўпкадан ташқари туберкулёзнинг олигобацилляр шаклларида гистологик ва бактериологик усулларнинг сезгирлиги 30% дан ошмаслиги исботланган (World Health Organization, Женева, (Швейцария)); неврологик компрессияни эрта ташхислаш ва баҳолаш учун МРТнинг информативлиги аниқланган (University of Cape Town, Кейптаун, (Жанубий Африка)); замонавий жарроҳлик ёндашувлари - орқа декомпрессия ва транспедикуляр фиксация олд томондан киришининг кам шикастли муқобили сифатида ишлаб чиқилган (Beijing Jishuitan Hospital, Пекин, (Хитой)).

Дунёда туберкулёз спондилитини ташхислаш ва даволашни илмий асослаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: туберкулёз спондилитнинг этиопатогенетик сабаблари ва эрта ташхислаш муаммоларини асослаш; туберкулёз спондилитини нейровизуализация, иммунологик ва молекуляр-генетик усуллар асосида ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш; суяк деструкцияси ва

неврологик асоратлар ривожланишида остеоиммун механизмларнинг аҳамиятини асослаш; жарроҳлик тактикасини танлашда индивидуал ёндашувни ишлаб чиқиш; туберкулёз спондилитининг орқа мия асоратларининг олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда жаҳон тиббиёт адабиётларида туберкулёз спондилитини ташхислаш ва даволашга бағишланган кўплаб тадқиқотлар чоп этилган. Маълумотлар шуни кўрсатадики, МРТ ва КТнинг юқори сезувчанлиги 90% дан ошишига қарамай (Fan W. et al., 2022; Wang Y.X., 2023), туберкулёз спондилитини эрта босқичларда ташхислаш қийин бўлиб, нур усуллари орқали текширувларда хатолик даражаси 20% ни ташкил этиши аниқланди (Cromb  A et al., 2024; Fard S.A. et al., 2023). Ўпкадан ташқари туберкулёз ўчоқларининг бактериологик диагностикаси молекуляр-генетик усуллардан фойдаланилганда ҳам пастлигича қолмоқда ва беморлар контингентига қараб 30% дан 80% гача ўзгариши аниқланди (Santosh T. et al., 2023, Zhou Z. et al., 2021). Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, яллиғланиш олди цитокинлари (TNF- α , IL-1 β , IL-6) таъсирида RANK/RANKL/OPG тизими орқали остеокластлар фаоллашади, бу эса суяк деструкциясига олиб келади (Takegahara N. et al., 2024; Wu Z. et al., 2024). Шу билан бирга, RANKL экспрессиясининг ошиши ва ОПГ нинг пасайиши суяк массасини йўқотиш фаоллиги билан боғлиқ (Мамина Н.Ш. и соавт., 2023). Остеоиммун дисбаланс ҳолати шаклланади, бунда суякнинг яллиғланиш резорбцияси остеогенезга нисбатан устунлик қилади.

Тадқиқот натижаларига кўра, ўпка туберкулёзи билан оғриган беморларда IGRA тестлари ва Диаскинтест туберкулёз инфекциясини ташхислашда энг юқори мувофиқликка эга бўлиб, натижаларни баҳолашда ҳам қулай усуллар эканлиги аниқланди (Гордеев А.А. ва бошқалар, 2025); кўкрак-бел умуртқалари туберкулёзида уч устунли дорсал реконструкция камроқ асоратлар билан кечувчи оптимал жарроҳлик усули эканлиги аниқланди (Карпушин А.А. ва бошқалар, 2025); остеопорозни даволашда бисфосфонатлар юқори самарадорликка эга эканлиги аниқланди (Лесняк О.М. ва бошқалар, 2025). Мавжуд илмий нашрларда суяк массаси камайишини ташхислаш мезонлари, суяк зичлигини ўлчаш усуллари батафсил ёритилган, шунингдек, суяк массаси камайишининг яллиғланиш ва аутоиммун касалликлар билан боғлиқлиги исботланган. Умуртқа поғонаси туберкулёзида нур ташхиси мезонлари, шунингдек, уларнинг туберкулёз спондилити фаоллигини баҳолашдаги роли, турли жарроҳлик аралашувларининг самарадорлиги баҳоланган.

Ўзбекистон Республикасида суяк туберкулёзини ташхислаш ва даволаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, таянч-ҳаракат тизими касалликларини олдини олишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Неврологик асоратларнинг туберкулёз жараёни локализацияси билан ўзаро боғлиқлиги ўрганилган (Назиров П.Х., 2022), туберкулёз спондилити билан оғриган беморларни олиб боришнинг турли босқичларида компьютер ва магнит-резонанс томографиянинг информативлиги баҳоланган (Фахритдинова А.Р., 2020). Рентген-томографик тасвирда ўзига хос

жараённинг фаоллиги ва босқичига боғлиқлиги аниқланган (Усмонов М.Х., 2022), топик ташхислаш ва жарроҳлик даволаш натижаларини башорат қилиш учун электронейромиографиянинг диагностик аҳамияти аниқланган (Рустамов Ф.Х., 2025). Умуртқа поғонасининг туберкулёз билан зарарланишида туберкулёзга қарши терапиянинг оптимал муддатлари ишлаб чиқилган ва жарроҳлик аралашуви усуллари такомиллаштирилган (Назиров П.Х., 2023; Усмонов И.Х., 2023). Бироқ, кўп сонли тадқиқотларга қарамай, замонавий илмий адабиётларда туберкулёз спондилитида касалликнинг босқичига қараб иммунологик ва метаболик бузилишлар, цитокин ҳолатига қараб гранулёмалар шаклланишининг патогенетик механизмлари ҳақида тизимли маълумотлар мавжуд эмас. Умуртқа поғонаси туберкулёзида метаболик ва иммун бузилишларни патогенетик коррекциялаш, жумладан, туберкулёзга қарши кимётерапия билан биргаликда моноклонал антитаначалар (деносумаб) қўллаш, шунингдек, иммун жавоб ва суяк метаболизми меъёрлашувининг умуртқа поғонаси туберкулёзини комплекс даволаш самарадорлигига таъсири масалалари етарлича ёритилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пулмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АЛ-7723051336 "Дориларга чидамли туберкулёзнинг янги штамmlарини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича янги миллий стандартларни ишлаб чиқиш" (2024-2026 йй.) мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: иммунокимёвий ва морфологик семиотикани аниқлаш, моноклонал антитаначаларни қўллаш ва жарроҳлик аралашувларининг кам инвазив усуллари такомиллаштириш асосида туберкулёз спондилитини ташхислаш ва комплекс даволашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Туберкулёз спондилитининг асоратланган шаклларида тери орқали кам инвазив жарроҳлик муолажаларининг диагностик самарадорлиги ва клиник хавфсизлигини асослаш;

секвенциялаш ва молекуляр-генетик усуллар орқали туберкулёз спондилитида специфик ялиғланиш ўчоқларининг диагностик самарадорлиги ва бациллярлик даражасини аниқлаш;

туберкулёз спондилитида касаллик фазаси, суяк деструкциясининг ифодаланганлиги ва ялиғланиш жараёни фаоллигига боғлиқ ҳолда иммунологик ва метаболик хусусиятларини аниқлаш;

суяк тўқимасидаги туберкулёз жараёни ўчоқларининг цитокин статуси ва касалликнинг клиник-рентгенологик фазасига боғлиқ ҳолда морфологик тавсифини аниқлаш;

олинган маълумотлар асосида плазмолифтинг, RANKL га моноклонал антитаначалар ва иммуномодуловчи терапияни қўллаш орқали туберкулёз

спондилити билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш чора-тадбирлари мажмуасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пулмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг суяк-бўғим туберкулёзи жарроҳлиги бўлимида 2022-2025-йилларда ўтказилган умуртка поғонаси яллиғланиш касалликлари билан оғриган 214 нафар, туберкулёз спондилити билан оғриган 155 нафар ва носпецифик спондилит билан оғриган 59 нафар беморларни комплекс текшириш натижаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида туберкулёз спондилити билан оғриган беморларда қон ва қон зардободаги иммун статус маркерлари, суяк ремоделланиши кўрсаткичлари, морфологик тузилиши ҳамда бактериологик текширув натижалари олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни олиб бориш учун умумклиник лаборатор-инструментал текширувлар, иммунологик текширувлар, гистоморфологик текширувлар, бактериологик текширувлар, олинган натижаларни статистик қайта ишлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор туберкулёз спондилити билан оғриган беморларнинг махсус яллиғланиш ўчоқларининг олиго-бациллярлиги, ҳамда молекуляр-генетик усуллар ва секвенциялашни таққослаш орқали бактериологик усуллар диагностик самарадорлиги исботланган;

илк бор туберкулёз спондилити билан оғриган беморларда витамин D ва IFN- γ етишмовчилиги, TNF- α , IL-6, прокальцитонин ҳамда ўткир фаза маркерларининг ошиши билан ифодаланган цитокин дисбаланси мавжудлиги, ушбу ҳолат туберкулёз микобактериялари антигенларининг персистенцияси натижасида цитокинларнинг ортиқча ишлаб чиқарилиши, шунингдек мазкур иммунологик бузилишлар Th1-турдаги иммун жавоб самарадорлигини пасайтирувчи ва суяк деструкциясини кучайтирувчи патогенетик омиллар эканлиги исботланган;

илк бор туберкулёз спондилитида P1NP даражасининг ошиши гранулёматоз яллиғланиш жараёнида тўқималар фиброзланиши ва фибробластлар томонидан I турдаги проколлаген синтези билан боғлиқ эканлиги, бу ҳолат TNF- α ва IL-6 каби цитокинларнинг узок вақт давомида фаол ишлаб чиқарилиши билан боғлиқлиги, β -CrossLaps кўрсаткичлари суяк деструкциясининг кучайишини ақс эттириши, шунингдек β -CrossLaps/P1NP нисбий кўрсаткичи суяк ремоделляцияси жараёнини комплекс баҳолаш имконини берувчи диагностик мезонлиги аниқланган;

илк бор туберкулёз спондилитида фибриноген, D-димер ва тромбоцит кўрсаткичларининг цитокинлар профили ҳамда рентгенологик белгилар билан боғлиқлиги, бу ҳолат яллиғланишни кучайтирувчи цитокинлар (TNF- α , IL-6) таъсирида коагуляция тизимининг фаоллашуви ва эндотелиал дисфункция ривожланиши билан боғлиқлиги ҳамда ушбу кўрсаткичлар яллиғланиш фаоллигининг диагностик маркерлари эканлиги исботланган;

илк бор туберкулёз спондилитида плазмолифтинг ёрдамида локал гемостатик ва регенератив терапия усули ишлаб чиқилган, RANKL га қарши

моноклонал антитаналар (деносумаб) ва бифосфонатларнинг (золедрон кислотаси) суяк деструкциясини камайтиришдаги самарадорлиги аниқлаш орқали комплекс даволаш такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

туберкулёз спондилитида умуртқалар биопсияси ёрдамида ташхис қўйиш ҳамда туберкулёз микобактерияларининг дори воситаларига сезувчанлигини аниқлаш натижасида, шунингдек очик жарроҳлик аралашувлари ва умумий наркоз билан боғлиқ асоратлар сонининг камайиши ҳисобидан, дори воситалари билан даволаш самарадорлигини ошириш ҳамда клиник жиҳатдан хавфсиз даволаш тактикасини таъминлаш таклиф этилган.

радиологик, лаборатор, иммунологик, морфологик ва бактериологик белгиларни бирлаштирган ҳолда туберкулёз спондилитини носпецифик туберкулёз спондилитидан дифференциал диагностикасида баллга асосланган комплекс алгоритм ишлаб чиқилган.

RANKL га қарши моноклонал антитаналар (деносумаб) ҳамда бифосфонат (золедрон кислотаси) ёрдамида ишлаб чиқилган суяк деструкциясини камайтириш усули патологик синишларнинг олдини олишга ва β -CrossLaps асосида даволаш самарасини баҳолаш таклиф этилган;

гемостазни нормаллаштириш ва плазмолифтинг ёрдамида маҳаллий гемостатик терапиясини қўллаш орқали қон йўқотиш ва ликвореяни камайтириш ҳамда операциядан кейинги яра битиш жараёнларини яхшилашга қаратилган даволаш усули, ҳамда витамин D етишмовчилигини тўлдириш, полиоксидоний, глутоксим ва глюкокортикоидларни қўллаш асосида цитокин дисбалансини медикаментоз коррекция қилиш, шунингдек туберкулёз спондилити билан оғриган беморларда иммун жавобни нормаллаштириш ва даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган даволаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғри ташкил этилганлиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник, иммунологик, нейровизуализация, лаборатор ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, туберкулёз спондилитини ташхислаш ҳамда даволаш усулларини патогенетик асослаш ва такомиллаштиришнинг ўзига хослиги, шунингдек, олинган натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулосаларнинг илмий асосланганлиги ҳамда тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Туберкулёз спондилити билан оғриган беморларда касалликнинг клиник кечиши, иммунологик ҳолати ва нейровизуализация белгилари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш асосида ташхислаш ва комплекс даволашнинг замонавий ёндашувларини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшилганлиги, шунингдек ушбу касаллик ривожланиши жараёнида келиб чиқадиган асоратларни даволаш тамойиллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замонавий диагностик текширувларга асосланганлиги, туберкулёз спондилитида касалликнинг клиник, иммунологик ва нейровизуализация хусусиятларини магнит-резонанс томография, компьютер томография, молекуляр-генетик ва иммунологик мезонларга таяниб эрта ҳамда қиёсий ташхислаш алгоритмлари ишлаб чиқилганлиги, беморларни касаллик ривожланиш босқичлари ва асоратлари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда даволаш самарадорлигини оширувчи, иқтисодий сарф-харажатларни қисқартирувчи ҳамда беморларнинг ҳаёт сифати яхшиловчи комплекс даволаш алгоритмлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиши.

Иммунокимёвий ва морфологик семиотикани ўрганиш, моноклонал антитаначаларни қўллаш ва жарроҳлик аралашувларининг кам инвазив усулларини такомиллаштириш асосида туберкулёз спондилитини ташхислаш ва комплекс даволашни такомиллаштиришнинг клиник аҳамиятини аниқлашга йўналтирилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: туберкулёз спондилити билан оғриган беморларнинг операцион материал наъмуналари секвенциялаш натижаларига асосланиб, махсус яллиғланиш ўчоқларининг олиго-бациллярлиги исботланган ҳамда молекуляр-генетик усуллар ва секвенциялашни таққослаш орқали бактериологик усуллар диагностик самарадорлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази Илмий Кенгашининг 2024 йил 8 октябрдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган «Умуртқа поғонаси яллиғланиш касалликларида кам инвазив диагностик аралашувларнинг информативлигини баҳолаш» мавзусидаги услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Ушбу тадқиқот доирасида зарур синовлар ўтказилиб, ишлаб чиқилган ёндашувлар Навои вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази (2024 йил 8 ноябр, №79-сон буйруқ); Жиззах вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази (2024 йил 5 ноябр, №37-сон буйруқ); Сурхондарё вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази (2024 йил 9 ноябр, №01-06/5-сон буйруқ) амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник кенгашининг 2025 йил 17 ноябрдаги 25/70-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* туберкулёз спондилити билан оғриган беморларда биопсия ташхис аниқлигини ва микобактерияларнинг туберкулёзига қарши дори воситаларига сезгирликни аниқлаш имкониятини ошириб, очик жарроҳлик аралашувлари ҳамда умумий наркоз билан боғлиқ асоратлар хавфини камайтиради. *Иқтисодий самарадорлиги:* туберкулёз спондилити билан оғриган беморларда очик биопсия билан солиштирилганда, тери орқали олинадиган биопсия ҳар бир бемор учун камида 18000000 сўм иқтисодий тежамкорликни таъминлайди. *Хулоса:* туберкулёз спондилити билан оғриган беморларда умуртқаларни тери орқали биопсияни клиник амалиётга жорий қилиш эрта фаоллаштириш имконини бериб, диагностика жараёнининг клиник сифатини сақлаган ҳолда,

стационар харажатлар ҳамда юқори технологияли жарроҳлик аралашувларига бўлган эҳтиёжни камайтиради;

иккинчи илмий янгилик: туберкулёз спондилити билан оғриган беморларда цитокин дисбаланси, шу жумладан витамин D ва IFN- γ етишмовчилиги ҳамда TNF- α , IL-6, прокалцитонин ва ўткир фаза маркерлари билан ифодаланган юқори тизимли иммун жавоб мавжудлиги аниқланиб. Ушбу иммунологик ўзгаришлар суяк деструкциясини кучайтирувчи ҳамда Th1-турдаги иммун жавоб самарадорлигини пасайтирувчи патогенетик омиллар эканлиги исботланганлиги бўйича тавсиялар Академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази Илмий Кенгашининг 2025 йил 14 мартдаги 3-сон қарори билан тасдиқланган «Туберкулёз спондилити билан оғриган беморларда гемостатик бузилишларни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш» мавзусидаги услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Ушбу тадқиқот доирасида зарур синовлар ўтказилиб, ишлаб чиқилган ёндашувлар Андижон вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази (2025 йил 28 март, №44-сон буйруқ); Фарғона вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази (2025 йил 29 март, №02-12/97-сон буйруқ); Самарқанд вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази (2025 йил 1 апрел, №28-сон буйруқ) амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник кенгашининг 2025 йил 17 ноябрдаги 25/70-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* туберкулёз спондилити билан оғриган беморларда цитокин дисбалансини коррекция қилувчи комплекс терапия иммун жавобни нормаллаштириб, абсцесслар ривожланишини ҳамда суяк тўқимаси деструкциясини олдини олиб, даволаниш самарадорлигини оширади. *Иқтисодий самарадорлиги:* туберкулёз спондилити билан оғриган беморларда цитокин дисбалансини коррекция қилиш жарроҳлик аралашувларига кўрсатмаларни ҳамда стационарда ётиш муддатини қисқартириб, ҳар бир бемор ҳисобида даволаш харажатларини ўртача 20–30% га камайтириш имконини беради. *Хулоса:* таклиф этилган мезонларни клиник амалиётга жорий этиш соғлиқни сақлаш тизимида сезиларли даражада иқтисодий афзалликни таъминлади;

учинчи илмий янгилик: туберкулёз спондилитида P1NP ошиши гранулёматоз яллиғланиш жараёнида тўқималарнинг фиброзланиши ҳамда фибробластлар томонидан I турдаги проколлаген синтези билан боғлиқлиги аниқланиб, β -CrossLaps кўрсаткичлари суяк деструкциясининг кучайишини акс эттириши, шунингдек β -CrossLaps/P1NP нисбий кўрсаткичи суяк ремоделляцияси жараёнини комплекс баҳолаш бўйича тадқиқот натижалари Академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази Илмий Кенгашининг 2025 йил 20 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган «Туберкулёз спондилити билан оғриган беморларда суяк резорбциясини даволашда деносумабнинг самарадорлиги» мавзусидаги услубий тавсияномада акс эттирилган. Ушбу тадқиқот доирасида зарур синовлар ўтказилиб, ишлаб чиқилган ёндашувлар Қорақалпоғистон Республикаси фтизиатрия ва пульмонология маркази (2025 йил 20 январ, №01-03/95-сон буйруқ); Андижон вилояти фтизиатрия ва

пульмонология маркази (2025 йил 21 январ, №35-сон буйруқ); Қашқадарё вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази (2025 йил 22 январ, №29-сон буйруқ) амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник кенгашининг 2025 йил 17 ноябрдаги 25/70-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Тадқиқот натижалари туберкулёз спондилитини носпецифик спондилитдан дифференциал ташхислашни яхшилаш, шунингдек суяк резорбциясига қарши ҳамда туберкулёзга қарши терапия самарадорлигини динамик баҳолаш имконини берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган диагностик ёндашувлар ташхис қўйиш муддатини 13,5 ойдан 3–6 кунгача қисқартириш имконини берди, бу эса ҳар бир аниқланган ҳолатда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даврини камайтириб, ўртача 8316000 сўм иқтисодий тежамкорликни таъминлади. *Хулоса:* Ишлаб чиқилган диагностик ёндашувлар туберкулёз спондилити билан оғриган беморларда ногиронлик ва меҳнатга лаёқатсизлик даражасини камайтириб, беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланишига ҳамда соғлиқни сақлаш тизими учун сезиларли иқтисодий тежамкорликка эришишга хизмат қилди;

тўртинчи илмий янгилик: туберкулёз спондилитида фибриноген, D-димер ва тромбоцит кўрсаткичлари цитокинлар профили ва рентгенологик белгилар билан боғлиқлиги ва яллиғланиш фаоллиги диагностик маркерлари эканлиги аниқланиши асосидаги натижалар Академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази Илмий Кенгашининг 2025 йил 14 мартдаги 3-сон қарори билан тасдиқланган «Туберкулёз спондилити билан оғриган беморларда гемостатик бузилишларни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш» мавзусидаги услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Ушбу тадқиқот доирасида зарур синовлар ўтказилиб, ишлаб чиқилган ёндашувлар Андижон вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази (2025 йил 28 март, №44-сон буйруқ); Фарғона вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази (2025 йил 29 март, №02-12/97-сон буйруқ); Самарқанд вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази (2025 йил 1 апрел, №28-сон буйруқ) амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник кенгашининг 2025 йил 17 ноябрдаги 25/70-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Олинган натижалар туберкулёз спондилити билан оғриган беморларда веноз тромбоземболик асоратларнинг олдини олишга, ўлим кўрсаткичларини камайтиришга ҳамда даволаш натижаларини яхшилашга хизмат қилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* Олинган натижалар парез ҳолатлари кузатиладиган туберкулёз спондилити билан оғриган беморларда чуқур веналар тромбозининг олдини олиш ҳисобига беморларнинг 22%ида 30 кунлик стационар даволаниш муддатини қисқартириш орқали соғлиқни сақлаш тизими харажатларини сезиларли даражада тежаш имконини берди. *Хулоса:* Олинган натижалар туберкулёз спондилити билан оғриган беморларда даволаш харажатларини қисқартириш, ўлим кўрсаткичларини камайтириш ҳамда умумий даволаш натижаларини яхшилаш имконини берди;

бешинчи илмий янгилик: туберкулёз спондилитида плазмолифтинг ёрдамида локал гемостатик ва регенератив терапия усули ишлаб чиқилиши асосидаги натижалар Академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази Илмий Кенгашининг 2025 йил 14 мартдаги 3-сон қарори билан тасдиқланган «Туберкулёз спондилити билан оғриган беморларда гемостатик бузилишларни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш» мавзусидаги услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Ушбу тадқиқот доирасида зарур синовлар ўтказилиб, ишлаб чиқилган ёндашувлар Андижон вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази (2025 йил 28 март, №44-сон буйруқ); Фарғона вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази (2025 йил 29 март, №02-12/97-сон буйруқ); Самарқанд вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази (2025 йил 1 апрел, №28-сон буйруқ) амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник кенгашининг 2025 йил 17 ноябрдаги 25/70-сонли хулосаси). RANKL га қарши моноклонал антитаналар (деносумаб) ҳамда бифосфонат-золедрон кислотасининг суяк деструкциясини камайтиришдаги самарадорлиги исботланиши асосида таклифлар Академик Ш.Алимов номидаги Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази Илмий Кенгашининг 2025 йил 20 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган «Туберкулёз спондилити билан оғриган беморларда суяк резорбциясини даволашда деносумабнинг самарадорлиги» мавзусидаги услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Ушбу тадқиқот доирасида зарур синовлар ўтказилиб, ишлаб чиқилган ёндашувлар Қорақалпоғистон Республикаси фтизиатрия ва пульмонология маркази (2025 йил 20 январ, №01-03/95-сон буйруқ); Андижон вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази (2025 йил 21 январ, №35-сон буйруқ); Қашқадарё вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази (2025 йил 22 январ, №29-сон буйруқ) амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник кенгашининг 2025 йил 17 ноябрдаги 25/70-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* олинган натижалар операциядан кейинги ярани самарали битишига, такрорий жарроҳлик аралашувларига бўлган эҳтиёжни камайишига, патологик синишларнинг олдини олишга, ногиронлик даражасини пасайтиришга ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* Ишлаб чиқилган стратегияни жорий этиш ҳар бир беморга тўғри келадиган тўғридан-тўғри ва билвосита даволаш харажатларини камида икки баробар камайтириш имконини берди. *Хулоса:* Ишлаб чиқилган туберкулёз спондилити билан оғриган беморларни комплекс даволаш усуллари патогенетик асослаш ва такомиллаштириш стратегияси соғлиқни сақлаш тизими ресурсларидан иқтисодий жиҳатдан самарали фойдаланиш имконини яратди.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Диссертация тадқиқоти доирасида 20 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 10 таси Республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, етита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 160 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти илмий асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги намойиш этилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг объекти ва предмети, мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий натижалари тақдим этилган, шунингдек, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий этилганлиги, чоп этилган илмий ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби, "Умуртқа туберкулезнинг патогенези, диагностикаси ва даволашнинг долзарб масалалари", туберкулёз спондилитига чалинган беморларни ташхислаш ва этиопатогенетик даволаш бўйича илмий маълумотларни чуқур таҳлил, хулоса қилиш ва тизимлаштиришни ўз ичига олади. Маҳаллий ва халқаро адабиётлар, кейинги ҳал қилишни талаб қиладиган долзарб муаммолар ва туберкулёз касаллиги спондилитини ташхислаш, даволашнинг ҳозирги ҳолати кўриб чиқилган. Ушбу адабиётлар таҳлили тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш имконини берган.

Диссертациянинг иккинчи бобида, "Умуртқа туберкулези касаллигини диагностика қилиш ва комплекс даволаш усулларини патогенетик асослаш ва такомиллаштириш учун материаллар ва усуллар" клиник материал ва қўлланилган тадқиқот усулларининг умумий тавсифи берилган. Ушбу мақсадга эришиш учун 2022 ва 2025 йиллар оралиғида Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пулмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг суяк ва бўғим туберкулези жарроҳлиги бўлимига ётқизилган спондилит ташхиси қўйилган 15-88(~53,5) ёшдаги 214(100%) беморнинг (98(45,8%) аёл, 116 (54,2%) эркак) комплекс текшириш натижалари таҳлил қилинди.

Барча 214 (100%) беморнинг даволанишга мурожаат қилишининг сабаби умуртқа поғонасидаги оғриқ бўлган. Дастлабки текширувда 122 нафар беморда иситма ($57 \pm 0.34\%$), 100 нафар беморда субфебрил ($47 \pm 0.34\%$) ва 22($10 \pm 0.21\%$) беморда 38°C дан юқорилиги аниқланди. Иситма турли даражадаги иштаҳа йўқолиши, чарчоқ ва терлаш билан кузатилди.

Шикоятларнинг давомийлиги 2 ҳафтадан 2 йилгача бўлиб, ўртача 7,5 ойни ташкил этди. 15 нафар бемор ($7,0 \pm 0,17\%$) туберкулёз касаллиги билан

оғриган шахс билан алоқада бўлганлигини, 10 нафар бемор эса ($4,7 \pm 0,14\%$) илгари ўпка туберкулёзи билан оғриганлигини маълум қилди.

Касалхонага ётқизилгандан сўнг барча беморларда умумий текширув ўтказилиб, ортопедик ва неврологик ҳолати баҳоланди. Ички органлар фаолиятини баҳолаш ҳамда қўшимча касалликларни аниқлаш мақсадида барча беморларда умумий клиник, лаборатор ва инструментал текширувлар ўтказилган.

Интерлейкинлар ҳолати шартнома асосида LABMEDICAL клиникасида HUMAN GmbH иммунофермент анализатори ёрдамида TNF- α ва IFN- γ даражаларини ўлчаш орқали баҳоланди. PCT, ИЛ-6 ҳамда D витамини WONDFO BIOTECH (Хитой) анализатори ёрдамида аниқланди.

Суяк тўқимасининг резорбция маркерлари ҳисобланган β -CrossLaps ва P1NP шартнома асосида Тошкент шаҳрида жойлашган М. Федорович клиник санаториясида Cobas e411 (Roche Diagnostics, Швейцария) анализатори ёрдамида қон зардобидида ўлчанди.

Туберкулёз инфекциясига сезгирлик 125 нафар беморда ($58,0 \pm 0,34\%$) QFT IGRA тест тизими, 52 нафар беморда эса ($24,0 \pm 0,29\%$) WANTAI тест тизими ёрдамида баҳоланди. IGRA натижаси салбий бўлган ҳолларда 63 нафар беморда ($29,4 \pm 0,30\%$) «Диаскинтест» туберкулин тери тести (Россия) ўтказилди.

Очиқ жарроҳлик амалиётлари ва перкутан биопсиялар пайтида олинган патологик тўқималар фиксация қилиниб, парафин блоклари ва кесимлари тайёрланди, гематоксилин ва эозин билан бўялди ҳамда Carl Zeiss ёруғлик микроскопи остида текширилди.

Жарроҳлик амалиётлари, пункция, оқмалардан ажралиш ва балғам олиш пайтида тўпланган патологик тўқималар ҳамда суяқликлар қуйидаги усуллар ёрдамида бактериологик текширувдан ўтказилди: GeneXpert MTB/RIF, HAIN LPA тести ва секвенциялаш.

Клиник-лаборатория, рентген томографик, иммунологик, бактериологик ва гистологик тадқиқот натижаларини ўз ичига олган ишлаб чиқилган балл тизими асосида туберкулёз спондилити ташхиси 155 нафар беморда ($72,0 \pm 0,31\%$) аниқланди. Носпецифик спондилит эса 59 нафар беморда ($28,0 \pm 0,31\%$) қайд этилди.

Туберкулёзга қарши кимётерапиянинг интенсив босқичи биринчи қатор туберкулёзга қарши препаратлардан иборат INH75 + RIF150 + PZA400 + E275 комбинацияланган битта таблетка шаклида ўтказилди: тана вазни 70 кг дан юқори бўлган беморлар учун — кунига 5 таблетка, 55 кг дан юқори бўлганлар учун — кунига 4 таблетка, 40 кг дан юқори бўлганлар учун — кунига 3 таблетка миқдорида, жами 84 дозагача қабул қилинди.

Жарроҳлик муолажалари туберкулёз спондилити ташхиси қўйилган 155 нафар бемордан 134 нафарида ($86,5 \pm 0,3\%$) амалга оширилди. Очиқ жарроҳлик амалиётидан олдин 51 нафар ТС беморида ($24,0 \pm 0,29\%$) флуороскопия назорати остида перкутан умуртқа биопсияси ўтказилди.

Бел умуртқаларга жарроҳлик ёндашуви қийшиқ (ташқи ва ички) ҳамда қўндаланг қорин мушаклари орқали люмботомия усулида, ретроперитонеал

бўшлиқ ва псоас мушаги орқали амалга оширилди. Кўкрак умуртқаларига эса ўнг томонлама қовурғаларо торакотомия усулида бажарилган. Бўйин умуртқаларига кириш стандарт олд томон сервикотомия амалиёти орқали бажарилди.

Шундан сўнг абсцесслар ва некротик тўқималар олиб ташланди, орқа мия декомпрессия қилинди ҳамда титан пирამеш ёрдамида стабилизация амалга оширилди. Операциядан кейинги ётоқ режими 3–4 ҳафта давом этди.

Радикал қайта тикловчи муолажаларнинг самарадорлиги клиник жиҳатдан (ортопедик ва неврологик ҳолат), тасвирлаш усуллари (КТ, МРТ) ҳамда яллиғланишнинг лаборатор кўрсаткичлари асосида 4 ҳафта, 1 йил ва операциядан кейин 2 йилгача бўлган муддатларда баҳоланди.

Статистик таҳлил Windows 10 операцион тизимида ишловчи Microsoft Excel 2016 дастуридан фойдаланган ҳолда шахсий компьютерда амалга оширилди.

Диссертациянинг учинчи бобида, «Умуртқа туберкулёзида кузатиладиган клиник ва лаборатор кўринишлар» ТС (туберкулёз спондилити) билан касалланган 90 нафар ($58,1 \pm 0,4\%$) беморда овқатланиш етишмовчилиги, ТМИ етишмовчилиги ҳамда ТМИ ортикчалиги кузатилди. ТС гуруҳида — 70 нафар ($45,2 \pm 0,4\%$) ва НС гуруҳида (носпецифик спондилит) — 65 нафар ($41,9 \pm 0,4\%$) беморда ТМИ ортикчалиги қайд этилди ва ушбу кўрсаткичлар икки гуруҳ ўртасида кенг тарқалган ҳамда ўхшаш эди.

2-тип қандли диабет ТС гуруҳида 20 нафар беморда ($33,9 \pm 0,6\%$) аниқланиб, НС гуруҳига нисбатан (14 нафар; $23,7 \pm 0,6\%$) кўпроқ кузатилди. Юрак-қон томир патологияси эса НС гуруҳида 48 нафар беморда ($81,4 \pm 0,51\%$) қайд этилган бўлиб, бу кўрсаткич ТС гуруҳига (107 нафар; $69,0 \pm 0,4\%$) нисбатан юқори эди. Бироқ, ТС билан оғриган беморларда 6 ҳолатда ($3,9 \pm 0,2\%$) миокарднинг склеротик ўзгаришлари аниқланди, бу ТС да склероз жараёнларининг ривожланишини кўрсатади. Демак, НС да метаболик синдром кўпроқ юрак-қон томир патологияси билан боғлиқ бўлса, ТС да у асосан 2-тоифа қандли диабет ривожланиши билан намоён бўлади.

Туберкулёз касаллиги оқсил-энергия етишмовчилиги кенг тарқалган мамлакатларда кўпроқ учрайди. Экспериментал моделлар натижалари тўйиб овқатланмаслик туберкулёз касаллигининг ривожланишида асосий хавф омилларидан бири эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари, тўйиб овқатланмаслик дори-дармонларга чидамли МБТ штамmlарининг кўпайиш эҳтимолини оширади [3].

Специфик ўпка яллиғланиши фақат ТС гуруҳида 15 тасида ($19,7 \pm 0,24\%$) кузатилди, аммо НС гуруҳида (17 та ($28,8 \pm 0,59\%$)) носпецифик яллиғланиш касалликлари ТС гуруҳига (16 та ($10,3 \pm 0,2\%$)) қараганда кўпроқ учрайди, туберкулёз касаллигидан кейинги ўзгаришлар ҳам шунга ўхшаш эди. Бу нафақат МБТ, балки ўпкадан носпецифик флоранинг ҳам тарқалиши мумкинлигини кўрсатади.

Сийдик ажратиш тизимининг яллиғланиш касалликлари НС гуруҳида 15 нафар беморда ($25,4 \pm 0,57\%$) инфекция манбаи сифатида қайд этилган бўлса, ТС гуруҳида бу кўрсаткич 19 нафар беморни ($12,3 \pm 0,26\%$) ташкил этди. Шу

билан бирга, обструктив сийдик йўллари патологияси ТС гуруҳида 78 нафар беморда ($50,3 \pm 0,4\%$) аниқланиб, НС гуруҳига (17 нафар; $28,8 \pm 0,59\%$) нисбатан сезиларли даражада кўпроқ учради. Бу ҳолат ТС да сийдик йўлларида склеротик ўзгаришлар ривожланишини ҳам кўрсатади.

Интоксикация синдроми ТС билан оғриган барча беморларда, шунингдек НС билан оғриган 30 нафар беморда ($50,8 \pm 0,65\%$) кузатилиб, у холсизлик, терлаш, иштаҳанинг йўқолиши ва вазн камайишини ўз ичига олди. ТС гуруҳида 25 нафар беморда ($16,1 \pm 0,3\%$) ҳамда НС гуруҳида 8 нафар беморда ($13,6 \pm 0,45\%$) реактив гепатит қайд этилди, бу ТС да сурункали интоксикация жараёнини ва жигарнинг детоксикациядаги етакчи аҳамиятини акс эттиради. Бироқ, иситма НС гуруҳида 26 нафар беморда ($44,1 \pm 0,65\%$) қайд этилган бўлиб, бу кўрсаткич ТС гуруҳига (53 нафар; $34,2 \pm 0,38\%$) нисбатан юқори эди, бу эса НС да ўткир иммун жавоб устунлигини кўрсатади.

Сурункали жигар касалликлари иммунитетнинг пасайишига олиб келади, чунки иммун ҳужайраларини стимуляция қилишда муҳим роль ўйнайдиган ИЛ-6, TNF- α ва ИЛ-10 цитокинларини синтез қилувчи асосий манба жигарнинг Купффер ҳужайралари ҳисобланади ва улар яллиғланишга тизимли жавобни таъминлайди. Гепатоз ва цирроз ТС гуруҳида 31 нафар беморда ($20,0 \pm 0,3\%$) қайд этилган бўлиб, бу кўрсаткич НС гуруҳига (8 нафар; $13,6 \pm 0,4\%$) нисбатан юқори эди. Мазкур ҳолат ТС да иммунитет ҳолатининг пасайганини акс эттиради ҳамда сурункали жигар касалликлари ушбу патология ривожланиши учун муҳим хавф омиллигини кўрсатади.

Оғриқ ТС да етакчи клиник аломат ҳисобланиб, унинг характери асаб элементларининг сиқилиш даражасига, паравертебрал юмшоқ тўқималарда яллиғланиш жараёнига ҳамда умуртқа беқарорлиги натижасида орқа мушакларининг спазмига боғлиқ [8].

ТС да кўкрак умуртқада оғриқлар кўпроқ учради (32 нафар; $20,7 \pm 0,33\%$), НС да эса 10 нафар беморда ($16,9 \pm 0,49\%$) қайд этилди. Бироқ, НС билан оғриган беморларда бел соҳасидаги оғриқлар кўпроқ кузатилиб, бел бўйлаб (НС — 23 нафар; $39,0 \pm 0,6\%$ / ТС — 52 нафар; $33,6 \pm 0,6\%$) ва белга кўндаланг йўналишда (ТС — 52 нафар; $33,6 \pm 0,6\%$ / НС — 24 нафар; $40,7 \pm 0,6\%$) намоён бўлди.

Умуртқа беқарорлиги НС гуруҳидаги барча беморларда ҳамда ТС гуруҳида 140 нафар беморда ($90,3 \pm 0,24\%$) кузатилди. Радикуляр оғриқ эса иккала гуруҳда ҳам деярли бир хил частотада қайд этилди (ТС – 120 нафар; $77,4 \pm 0,3\%$ ва НС – 45 нафар; $76,3 \pm 0,55\%$).

Демак, ТС да кўкрак умуртқанинг тез-тез жалб этилиши кўкрак қафасининг қўшимча анатомик фиксацияси туфайли умуртқа беқарорлиги частотасининг нисбатан камайишига олиб келади. Бел соҳасида вертикал оғриқнинг устунлиги олд узунчоқ боғлам ва умуртқа поғонасини тўғрилайдиган мушакларнинг патологик жараёнга жалб этилганини кўрсатади, бу айниқса пастки кўкрак ва юқори бел умуртқалари учун хосдир. Пастки бел умуртқалари шикастланганда эса бел, сакрал чиқишлар, ёнбош мушаклари ҳамда умуртқа поғонасининг компенсатор фиксациясини таъминлашда қорин мушаклари иштирок этади.

Интоксикация синдроми лаборатор кўрсаткичларда ТС гуруҳида ўртача даражадаги анемия билан намоён бўлиб (Hb — 116,1±17,5 г/л; RBC — 3,8±0,5×10¹²/л; Ht — 37,1±6,1%), абсцесслар ҳосил бўлиши пайтида ушбу кўрсаткичларнинг янада ёмонлашиши қайд этилди (Hb — 114,5±14,2 г/л; RBC — 3,7±0,5×10¹²/л; Ht — 37,8±4,5%). Бироқ, HC гуруҳида анемия нисбатан кучлироқ намоён бўлиб (Hb — 113,2±18,8 г/л; RBC — 3,7±0,6×10¹²/л; Ht — 36,8±6,5%), шунингдек, альбумин миқдорининг пасайиши ҳам аниқланди (ТС — 35,1±5,3 г/л; HC — 33,6±5,3 г/л).

Бундан ташқари, альбумин даражаси билан ўткир фаза маркерлари ўртасида аниқланган тесқари корреляцион боғлиқлик ($r = -0,6-0,7$) интоксикация синдромининг оғирлиги тизимли иммун жавоб фаоллиги билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатади.

HC да кучли йирингли-яллиғланиш реакцияси аниқ лейкоцитоз билан тасдиқланади (HC — 35,6%; ТС — 23,9%). Сурункали кечиш ва иммун тизимининг заифлашиши эса ТС гуруҳида нисбатан кўпроқ учрайдиган лейкопения билан ифодаланади (ТС — 4,5%; HC — 1,7%).

ТС протромботик ҳолат ва эндотелиал дисфункция билан тавсифланади [10]. Қон ивиши ва фибринолиз кўрсаткичларини таҳлил қилиш фибриноген даражасининг доимий равишда юқори бўлишини (4,0±2,1 г/л), ТС ривожланиши билан протромбин миқдорининг ортишини ҳамда фибриноген ва протромбин ўртасида ўртача мусбат корреляцион боғлиқликни ($r=0,33$) аниқлади. Шунингдек, қонда Д-димер даражасининг ошиши (3,6±4,0 мг/л), тромбоцитоз (327,4±111×10⁹/л) ва фибринолитик фаолликнинг пасайиши (9,0±4,4%) қайд этилди.

Бундан ташқари, Д-димерлар миқдорининг янада ортиши (4,3±5,5 мг/л), тромбоцитлар сонининг кўпайиши (329,1±95×10⁹/л), фибриноген даражасининг нисбатан юқори сақланиши (3,7±1,6 г/л) ҳамда фибринолитик фаолликнинг пасайиши ТС да қон ивиш тизимидаги бузилишларнинг барқарорлигини кўрсатади.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «Умуртқа туберкулёзининг асорталанган шакллари ривожланишининг патогенетик жиҳатлари» - туберкулёз спондилитининг патогенезини аниқлашга бағишланган.

Шундай қилиб, ТС билан оғриган беморларда суяк минерал зичлиги HC гуруҳига нисбатан кўпроқ даражада камайган: ТСда (Т-балл = -2,0±1,3), HCда эса (Т-балл = -1,3±1,5). Худди шундай тенденция 50 ёшдан катта гуруҳда ҳам (ТС: Т-балл = -2,9±0,7 / HC: Т-балл = -2,1±1,3), 50 ёшдан кичик гуруҳда ҳам (ТС: Т-балл = -1,4±1,3 / HC: Т-балл = -0,7±1,5) кузатилди. Бу ҳолат ТСда касалликнинг узокроқ давом этиши ($r = -0,5$) ва HCда яллиғланиш жавобининг юқори даражаси ($r = -0,4$) билан боғлиқ эди.

Суяк метаболизми маркерларини таҳлил қилиш умумий ТС гуруҳида β -CrossLaps (0,87±0,4 нг/мл) ва P1NP (85,8±70,2 нг/мл) кўрсаткичларининг ошганлигини кўрсатди. 50 ёшдан ошган беморларда β -CrossLaps кўрсаткичининг юқорироқ ўсиши (0,99±0,4 нг/мл), 50 ёшдан кичик беморларда эса нисбатан пастроқ ўсиши (0,65±0,4 нг/мл) қайд этилди. P1NP бўйича тесқари тенденция кузатилиб, 50 ёшдан кичик беморларда

кўрсаткичнинг ошиши (96 ± 109 нг/мл), 50 ёшдан ошган беморларда эса $80 \pm 36,8$ нг/мл гача пасайиши қайд этилди. Бу 50 ёшдан ошган ТС беморларида суяк ремоделяциясининг резорбция томон силжишини кўрсатади (β -CrossLaps/P1NP = $1,14 \pm 0,5$).

ТСнинг клиник ва рентгенологик ремиссия босқичида β -CrossLaps/P1NP нисбатининг $0,55 \pm 0,2$ гача пасайиши кузатилди; бу P1NP даражасининг $122,1 \pm 23,4$ нг/мл гача ошиши билан боғлиқ бўлиб, репаратив суяк шаклланишининг тикланиши, яъни ремоделяциянинг анаболик босқичига ўтишини кўрсатади.

НС билан оғриган беморларда β -CrossLaps/P1NP нисбати сезиларли даражада юқори бўлди ($1,94 \pm 1,1$), бу ремоделинг жараёнида янги суяк шаклланиши фаоллигининг пасайиши ҳисобига суяк резорбцияси устунлигини акс эттиради.

Ёшга хос меъёрий қийматларга нормаллаштирилган β -CrossLaps/P1NP нисбати суяк қайта шаклланиши (ремоделяция) ҳамда яллиғланишли умуртқа шикастланишларида суяк метаболизми фаоллигини баҳолашнинг объектив мезони сифатида қаралиши мумкин.

ТС билан оғриган беморларда P1NP даражасининг кўтарилиши фибробластлар томонидан I-тип проколлаген синтезининг кучайишини ва фиброз шаклланишини акс эттиради, чунки ТС гранулематоз-некротик ўзгаришлар яллиғланиш ўчоғида фиброз ҳосил бўлиши билан тавсифланади.

ТСда умуртқаларнинг аниқ морфологик суяк парчаланишига қарамай, β -CrossLaps даражаси НСга нисбатан пастроқ бўлиб қолмоқда; бу IFN- γ нинг суякларни қайта тиклаш жараёнида икки томонлама роль ўйнаши мумкинлигини кўрсатади. ТСдаги асосий Th1 цитокини бўлган IFN- γ OPG секрециясини рағбатлантириш орқали RANKL–RANK сигнализация йўлини тўсишга қодир.

Шундай қилиб, ТСда остеокластик фаоллик ўртача, бироқ доимий характерга эга. Казеоз-некротик жараён натижасида юзага келган суяк парчаланиши морфологик жиҳатдан остеопороз сифатида намоён бўлади; бу ҳолат P1NP кўпайиши билан кечадиган, аммо остеоген бўлмаган фиброз билан бирга кузатилади.

Фаол ТС қондаги IFN- γ даражасининг НСга ($6,4 \pm 15,2$ пг/мл) нисбатан пастлиги ($3,1 \pm 9,9$ пг/мл), TNF- α даражасининг кўп марта ошиши ($0,7 \pm 0,48$ нг/мл) ва IFN- γ /TNF- α нисбатининг $72,2 \pm 63,9$ гача пасайиши билан тавсифланади; абсцесс шаклланиши пайтида ушбу нисбат $57,9 \pm 72,3$ гача пасайди. Шунингдек, ИЛ-18 даражасининг 70 пг/мл гача пасайиши узоқ давом этган яллиғланиш шароитида Th1 иммун жавобининг сусайганини кўрсатади.

ТСда IFN- γ даражасининг паст бўлиш сабабларидан бири Д витамини етишмовчилиги бўлиши мумкин ($19,8 \pm 20$ нг/мл). Бундан ташқари, кучли тизимли яллиғланиш Д витамини сарфини оширади; шу сабабли НСда унинг миқдори $14,9 \pm 10,4$ нг/мл гача пасаяди.

Натижалар шуни кўрсатдики, ТСда тизимли яллиғланиш реакцияси ўртача даражада бўлиб, қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланди: ТС (ЭЧТ — $27,8 \pm 18,3$ мм/соат; ИЛ-6 — $16,2 \pm 38,6$ пг/мл; СРП — $40,1 \pm 68,4$ мг/мл) ва НС

(ЭЧТ — $32,4 \pm 18,1$ мм/соат; ИЛ-6 — $41,8 \pm 98,99$ пг/мл; СРП — $71,4 \pm 97,3$ мг/мл). Шу билан бирга, ТСда TNF- α , ИЛ-6 ва ўткир фазали реактивлар IFN- γ даражасига сезиларли таъсир кўрсатмади.

ТСда цитокин бўрони ва токсик шок ривожланиш эҳтимоли, ҳатто бактериал инфекция қўшилган ҳолатларда ҳам, паст бўлади. Бу ТСда ПСТ кўрсаткичининг $0,5$ нг/мл чегарадан паст бўлиши билан изоҳланади (ТСда $0,23 \pm 0,4$ нг/мл, НСда $0,23 \pm 0,28$ нг/мл). ПСТ $>0,5$ нг/мл бўлган ТС беморларининг $2,6\%$ да даволаш натижаси ижобий бўлган, ПСТ $>0,5$ нг/мл бўлган НС беморларининг $5,1\%$ да эса сепсис ривожланган ва ўлим билан яқунланган.

Диссертациянинг бешинчи бобида, «Умуртқа туберкулёзи диагностика қилиш усуллариининг ахборотлилиги» ТС диагностика усуллариининг ахборотлилигини таҳлил қилишга бағишланган.

Секвестрлар, умуртқа танасининг сиқилиши ва оёқ суяги шикастланиши, шунингдек, калцификацияларнинг мавжудлиги ТСнинг рентгенологик диагностикасида энг юқори ўзига хослик ва юқори ижобий башоратли қийматни намоён этди. Ноаниқ шикастланиш чегаралари белгиси юқори сезгирлик ($74,2\%$) ва ўзига хосликни ($96,6\%$) бирлаштириб, энг юқори ижобий башоратли қийматни ($98,3\%$) таъминлади ва ТС учун энг ишончли диагностик мезонлардан бири сифатида баҳоланиши мумкин.

Уч ёки ундан ортиқ умуртқанинг жалб этилиши (ижобий прогностик қиймати — $85,5\%$) ҳамда паравертебрал абсцессларнинг мавжудлиги (ИПҚ — $79,7\%$) нисбатан юқори ижобий башоратли қийматга эга эди. Шу асосда хулоса қилиш мумкинки, ТС умуртқа таналарининг кўп даражали шикастланиши, умуртқа танаси деструкция чегараларининг ғоваклиги, паравертебрал абсцессларнинг эҳтимолий калцификацияси ва секвестрлар комбинацияси билан тавсифланади.

ТСда IGRA тестлари ва Диаскинтестни биргаликда қўллаш сезгирлиги $77,2\%$ ни, ўзига хослиги эса $64,2\%$ ни ташкил этди. Бироқ, ТС билан оғриган беморларда иммунологик тадқиқотларнинг 34 та ҳолатида ($21,9 \pm 0,3\%$) гистологик ёки бактериологик жиҳатдан тасдиқланган нотўғри манфий натижалар қайд этилди (QFT — 47 та; $30,3 \pm 0,4\%$, WANTAИ — 12 та; $7,7 \pm 0,2\%$, Диаскинтест — 25 та; $16,1 \pm 0,3\%$).

Тери орқали олинган биопсия материаллари асосида ТСнинг гистологик диагностикаси ахборотлилиги олинган биоптатнинг парчаланганлиги ва селективлиги сабабли 25% ни ташкил этди. Шунингдек, жарроҳлик материалларида гистологик диагностика сезгирлиги биоптатларга нисбатан юқорироқ бўлиб, 60% гача етди, бироқ ушбу кўрсаткичдан ошмади.

ТСда гранулома ҳосил бўлиш патогенезини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, IGRA-мусбат ТС беморларида IFN- γ ва TNF- α нинг кўп йўналишли таъсири мавжуд бўлиб, бу гранулома тузилишининг дисорганизациясига олиб келади. Грануломатоз яллиғланишда гранулома тузилишининг бузилиши ва унинг асосий элементлари нисбатининг ўзгариши кузатилади. Микроскопик жиҳатдан яллиғланиш реакцияси аралаш характерга эга бўлиб, некроз ва остеокластик ҳалокат устунлик қилади.

Натижада, гистологик манзара сурункали носпецифик яллиғланиш кўринишини олади.

ТСда суяк тўқимасининг яллиғланишли ҳалокати МБТнинг фаол кўпайиши билан эмас, балки МБТ антигенларига нисбатан ҳаддан ташқари иммун жавоб билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу ТС билан оғриган беморлардан олинган жарроҳлик материалларида ўпкадан ташқари туберкулёз ўчоқларининг бактериал табиати 40% дан ошмаслигини тушунтиради.

Кетма-кетлик (секвенирлаш) усули МБТнинг дори воситаларига сезгирлигини аниқлашда юқори сезгирликка эга эканлигини, яъни МБТ штаммларини аниқлаш қобилиятини намоён этди. Бактериологик усулларнинг умумий сезгирлиги 37,3% ни ташкил этди, бу ўпкадан ташқари туберкулёз касаллигида ўзига хос лезияларнинг бактериал табиати чекланган эканлиги ҳақидаги адабиёт маълумотларига мос келади.

Жарроҳлик материалларини бактериологик ва гистологик текширишнинг умумий ахборотлилиги биопсия усулига нисбатан юқори бўлиб, биопсия материалларида ахборотлилиқ тахминан 4 баробар кам эди. Бироқ, очик жарроҳлик аралашувларида умумий анестезия талаб этилиши ва перкутан биопсия билан боғлиқ асоратлар мавжудлиги уни дифференциал диагностика ҳолатларида танлов усули сифатида қўллашни асослайди.

Диссертациянинг олтинчи бобида, «Умуртқа туберкулёзи асоратланган шаклларнинг комплекс терапияси» ТС билан оғриган беморлар учун комплекс терапия натижаларини ёритади.

ТС диагностикаси, этиологияси ва патогенезини ўрганишда эришилган сезиларли ютуқларга қарамай, уни даволаш ҳозиргача мураккаб ва кўп қиррали вазифа бўлиб қолмоқда, даволаш самарадорлиги эса, кўп ҳолларда, фақат вақт ўтиши билан аниқланади. Бу беморларни даволашда тизимли, босқичма-босқич ва патогенетик жиҳатдан асосланган ёндашувни талаб қилади.

Ушбу ёндашувнинг асосий босқичлари қуйидагиларни ўз ичига олади: 1. Ташхисни тасдиқлашда дори воситаларига сезгирликни мажбурий аниқлаш. 2. Аниқланган дори воситаларига сезгирликни ҳисобга олган ҳолда туберкулёзга қарши кимётерапияни тайинлаш. 3. Асосий касаллик асоратларини, шунингдек, дори дармон ва жарроҳлик муолажалари билан боғлиқ асоратларни олдини олиш ва даволаш.

Патогенезга оид маълумотларни таҳлил қилиш натижаларига асосланиб, биз ТС билан оғриган беморлар учун такомиллаштирилган диагностик ва терапевтик чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқдик, улар қуйидагиларни ўз ичига олади.

1. Тери орқали умуртқа биопсиянинг ахборотлилиги ва хавфсизлигини ошириш.

Транспедикуляр ёндашув перкутан умуртқа биопсиянинг асосий усули ҳисобланиди, чунки аниқланган туберкулёз касаллиги ўчоқларининг 60% дан ортиғи бел ва биринчи сакрал умуртқаларда жойлашган эди. Ушбу ёндашувни муваффақиятли амалга ошириш муайян босқичларга қатъий риоя қилишни талаб қилади.

Биринчи босқич — MRT ва КТ маълумотлари асосида DICOM форматдаги тасвирлаш дастурлари ёрдамида амалга ошириладиган дастлабки режалаштиришдир. Ушбу дастурлар масштаблаш орқали зарур ўлчамлар ва бурчакларни аниқ ҳисоблаш имконини беради. Режалаштириш жараёнида умуртқалар рақамланади (мумкин бўлган дисплазия, туғма анатомик хусусиятлар, люмбализация ва сакрализация ҳисобга олинган ҳолда) ҳамда биопсия учун энг кўп зарарланган умуртқа танланади. Биопсия траекторияси тери нуқтасидан суяк ориентирларига нисбатан, шунингдек, ҳаётий аҳамиятга эга қон томир ва нерв тузилмаларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Иккинчи муҳим босқич — беморнинг флуороскопия столида тўғри жойлашувидир. Бемор флуороскопия столига ётқизилади, бел соҳаси антисептик эритмалар (бетадин, 3% йод, спирт) билан ишлов берилади (йодга аллергия йўқлиги олдиндан текширилади). Флуороскопия режими созланиб, бел умуртқаларининг қатъий тўғри проэкциясига эришилади; зарурат туғилганда тос суяги, қорин ёки кўкрак қафаси остига ёстиқлар қўйилиши мумкин.

Умуртқалар 12-қовурға ва думғаза латерал массалари орқали аниқланади. Маркер ва игна ёрдамида терида тиканли ўсимталарни боғловчи ўрта чизик, шунингдек, бел умуртқалари поғоналарининг ташқи ва ички деворларини боғловчи вертикал чизиклар белгиланади. Тешиладиган умуртқа поғонасининг юқори ва пастки қирраларини боғловчи кўндаланг чизиклар чизилади. Мақсадли ва кўшни умуртқаларнинг умуртқалараро (диск) бўшлиқлари ҳам охириги пластинкалар проэкцияларида кўндаланг чизиклар орқали белгиланади. Агар бел лордозини ортиқча бўлса ёки флуороскоп бурчак остида жойлаштирилса, ушбу белгиларнинг устма-уст тушиши мумкин.

Пункция нуқтаси аниқлангандан сўнг, мақсадли умуртқа поғонаси проэкциясида тери ва унинг остидаги юмшоқ тўқималар, шу жумладан периостеум маҳаллий анестезия (0,5% новокаин ёки бупивакаин, 20–30 мл) орқали оғриқсизлантирилади. 3–5 мм тери кесмаси қилинганч, трепан игна суякка етгунча киритилади. Биопсия горизонтал текисликда 10–20° бурчак остида бажарилади. Игнанинг ҳаракатланиши олд-орқа проэкциясида назорат қилиниб, унинг учи латерал проэкцияда умуртқа танасига киргунга қадар поғонанинг ички деворларидан ташқарига чиқмаслиги таъминланади. Кейин троакар олиб ташланиб, игна яна олдинга силжитилади. Патологик ўчоқ тўлиқ тешилгандан сўнг резектор киритилиб, биопсия намунаси стерил идишга олинади. Трепан игна чиқарилиб, асептик боғлов қўйилади. Ушбу ёндашув 43 беморда (84,3±0,5%) асоратларсиз муваффақиятли қўлланилди.

Транспедикуляр ёндашув пастки кўкрак умуртқаларида ҳам қўлланилиши мумкин, бироқ бу ҳолатда фасет бўғими орқали бурғулаш талаб этилади. Костотрансверсал ёндашувда пункция траекторияси мақсадли умуртқанинг кўндаланг ўсимтасининг ташқи четидан ёки бироз латерал

жойлашувдан, тахминан 20–30° бурчак остида бошланади. Ушбу ёндашув 5 беморда (9,8±0,4%) асоратларсиз муваффақиятли амалга оширилди.

Бўйин умуртқаси биопсиясида кўрсаткич бармоқ билан умумий каротид артерия пульсацияси аниқланиб, у латерал томонга силжитилади. Кейин тери бурмаси ҳосил қилиниб, юмшоқ тўқималар медиал томонга сурилади. Игна маҳаллий анестезиядан сўнг умуртқа танасининг ўрта учдан бир қисмига йўналтирилади. Ушбу ёндашув 3 беморда (5,9±0,3%) қўлланилди; 1 ҳолатда (2,0±0,2%) кичик томирлар шикастланиши натижасида гематома кузатилди. Шу сабабли қизилўнгачни визуализация қилиш мақсадида контрастли назогастрал найчадан фойдаланиш тавсия этилади.

Умуртқалараро бўшлиққа кириш фақат бел умуртқаларида, умуртқалараро бўшлиқдан биопсия зарур бўлган ҳолатларда қўлланилади. Игна траекторияси латерал ва олд-орқа флуороскопия ёрдамида назорат қилинади, пункция траекторияси 10–15° оёқ томонга қаратилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу ёндашув 2 ҳолатда (1,3±0,1%) муваффақиятли амалга оширилди.

2. Асосий касалликнинг асорати бўлган суяк резорбцияси ва деструкциянинг олдини олиш ва даволаш.

ТС билан оғриган беморларда суяк резорбцияси интенсивлигини баҳолашда β-CrossLaps маркери ўрганилди: умумий гуруҳда — 0,87±0,4 нг/мл, 50 ёшдан ошган беморларда — 0,99±0,4 нг/мл, 50 ёшдан кичик беморларда — 0,65±0,3 нг/мл. Нормал қийматлар 50 ёшдан кичик шахслар учун <0,584 нг/мл, 50 ёшдан ошганлар учун эса <0,704 нг/мл ни ташкил этди.

Суяк резорбциясини камайтириш мақсадида йилига 5 мг золедрон кислотаси вена ичига, шунингдек ҳар 6 ойда 60 мг деносуаб тери остига қўлланилди. Препаратлар суяқлик ва электролитлар мувозанати тузатилгандан сўнг тайинланди. Интоксикация синдроми мавжуд бўлган беморларда олдиндан инфузион, детоксикацион ва гепатотроп терапия ўтказилди. L-цистеин моноаммоний глицирризинат АЛТ ва АСТ даражаларини камайтиришда энг юқори самара кўрсатди.

Зардобда калций миқдори 2,0 ммол/л дан паст бўлган 32 бемор (20,6±0,3%) аниқланди. Ушбу беморларга 10% калций хлориди вена ичига юборилиб, қўшимча равишда 1000 мг калций цитрати 10–15 кун давомида оғиз орқали берилди. Калий етишмовчилиги қайд этилмади, бироқ 8 беморда (5,2±0,2%) калий миқдори 5,1 ммол/л дан юқори бўлиб, 5 кун давомида кунига 40 мг фуросемид билан мажбурий диурез орқали тузатилди.

Золедрон кислотаси 5 мг/100 мл дозада 48 беморга (31,0±0,4%) қўлланилган. Ножўя реакциялар 38 беморда (24,5±0,3%) гриппга ўхшаш симптомлар (иситма, миалгия, артралгия, ҳолсизлик) кўринишида намоён бўлди. Симптоматик даволаш натижасида ушбу белгилар 2–3 кун ичида тўлиқ бартараф этилди.

Буйрак фаолияти бузилган беморларда бисфосфонатлар қўллаш қарши кўрсатилган. Бундай ҳолат 17 беморда (11,0±0,3%) кузатилиб, карбамид азоти 8,3 ммол/л дан юқори ёки креатинин 115 мкмол/л дан юқори бўлиши билан ифодаланди. Ушбу беморларга 60 мг деносуаб тери остига тайинланди (1-жадвалга қаранг).

Суяк резорбцияни кўрсаткичларнинг динамикаси

Дори номи	β-CrossLaps		
	Даволашдан олдин	4 хафатада	1 йилгача
Золедрон кислота 5 мг	0,92±0,4 нг/мл	0,27±0,12 нг/мл	0,3±0,15 нг/мл
Деносуаб 60 мг подкожно	0,88±0,25 нг/мл	0,28±0,15 нг/мл	0,95±0,18 нг/мл

Олти ойгача бўлган даврда деносуаб қабул қилган беморларда β-CrossLaps даражасининг 0,35±0,11 нг/мл гача, золедрон кислотасини қабул қилган беморларда эса 0,38±0,12 нг/мл гача пасайиши кузатилди. Бир йилгача бўлган даврда золедрон кислотасини қабул қилган беморларда β-CrossLaps кўрсаткичи терапевтик самарани сақлаб қолиб, 0,30±0,15 нг/мл даражасида қолди.

Деносуаб қабул қилган беморларда ушбу даврда β-CrossLaps даражасининг 0,95±0,18 нг/мл гача ошиши қайд этилди. Шундан 6 нафар (3,9±0,2%) беморда β-CrossLaps даражаси 1,9±0,15 нг/мл гача ошган бўлиб, уларга «қайтиш синдроми» ташхиси қўйилди.

Бир йилгача тери остига 60 мг деносуаб қабул қилган беморларни қайта текшириш натижасида терапияга муҳтож бўлмаган 7 нафар (4,5±0,2%) беморда β-CrossLaps даражаси 0,35±0,10 нг/мл даражасида паст сақланиб қолди. Қайта текшириш вақтида 60 мг деносуабни тери остига такрорий инъекция қилган 4 нафар (2,3±0,1%) беморда β-CrossLaps 0,76±0,14 нг/мл ни ташкил этди ҳамда карбамид ва креатинин даражаларининг ошганлиги аниқланди.

«Қайтиш синдроми» кузатилган 6 нафар (3,9±0,2%) беморда буйрак дисфункцияси белгилари аниқланмади. Ушбу беморларга вена ичига 5 мг золедрон кислота буюрилди, натижада 4 ҳафта мобайнида β-CrossLaps даражаси 0,22±0,10 нг/мл гача пасайди.

Энг юқори терапевтик самара вена ичига 5 мг золедрон кислота юборилиши билан кузатилди. Беморлар инъекциядан кейин бир ҳафта ичида таъсирланган умуртқа сегментидаги оғриқ ҳамда радикуляр оғриқнинг йўқолганини қайд этишди.

3. Асосий касаллик билан боғлиқ иммунологик бузилишларни коррекция қилиш

Иммунологик тадқиқотлар натижалари цитокинлар ҳолатидаги патологик силжиш аниқлади, бу эса туберкулёз спондилитининг морфологик хусусиятлари ва клиник кечишига салбий таъсир кўрсатади. Сурункали яллиғланиш жараёни ва тўйиб овқатланмаслик Д витамини етишмовчилигини кучайтириб, ТС билан касалланган беморларда унинг ўртача даражаси 19,8±2,0 нг/мл ни ташкил этди ҳамда IFN-γ даражасининг пасайишига олиб келди.

ТС билан касалланган беморларнинг иммунологик жавобларни турлари

Тип	N	IFN- γ (пг/мл)	TNF- α (нг/мл)	Морфология
IGRA(-) МБТ(-) Абсцесс (-)	10 (6,5 \pm 0,2%)	4–5	0,6–0,8	Фиброз, остеобластлар, сурункали ялиғланиш
IGRA(-) МБТ(-) Абсцесс (+)	9 (5,8 \pm 0,2%)	3–4	0,5	Ўртача деструкция, некроз ўчоқлари
IGRA(-) МБТ(+) Абсцесс (-)	18 (11,6 \pm 0,3%)	3,5–4,0	0,25–0,3	Казеоз, макрофаглар сурункали ялиғланиш
IGRA(-) МБТ(+) Абсцесс (+)	14 (9 \pm 0,2%)	3,0–3,5	0,5–0,6	Казеоз некроз, абсцесслар, остеокластлар
IGRA(+) МБТ(-) Абсцесс (-)	16 (10,3 \pm 0,2%)	7–9	0,7–0,8	Лимфоцитлар, эпителиод хужайралар, гранулёмалар
IGRA(+) МБТ(-) Абсцесс (+)	12 (7,7 \pm 0,2%)	35–40	0,8–0,9	Некроз, ўткир ялиғланиш
IGRA(+) МБТ(+) Абсцесс (-)	20 (12,9 \pm 0,3%)	16–18	0,78–0,8	Деструкция, фаол ўсиш йук.
IGRA(+) МБТ(+) Абсцесс (+)	17 (11 \pm 0,3%)	16–20	0,8–0,9	Ўткир ялиғланиш, некроз, остеокластлар

Шу билан бирга, туберкулёз спондилити (ТС) билан оғриган беморларда TNF- α миқдорининг ошиши ва IFN- γ етишмовчилиги кузатишган. IFN- γ 3–5 пг/мл ва TNF- α 0,2–0,6 нг/мл даражада бўлган ҳолларда йирингли-деструктив реакция ифодаланиб, *Mycobacterium tuberculosis* (МБТ) устидан иммун назорат сусаяди.

Бироқ IFN- γ 3–5 пг/мл даражада сақланган ҳолда TNF- α нинг 0,7–0,8 нг/мл гача ошиши фиброз жараёнларининг кучайишига олиб келади. IFN- γ 7–9 пг/мл ва TNF- α 0,7–0,8 нг/мл даражада бўлганда гранулёма ҳосил бўлиши кузатилади, бу адекват Th-1 типдаги иммун жавоб ҳисобланади.

IFN- γ нинг 16–40 пг/мл гача, TNF- α нинг эса 0,8–0,9 нг/мл гача ошиши деструкция жараёнларини ва гиперергик ўткир яллиғланишни кучайтиради (2-жадвлага қаранг). Шу тариқа, иммун жавоб йўналиши IFN- γ даражаси, яллиғланиш интенсивлиги эса TNF- α даражаси билан белгиланади.

Гиперергик носпецифик реакция носпецифик спондилит (НС) билан оғриган беморларда яққол намоён бўлади. Уларда TNF- α даражасининг ошиши ТС билан оғриган беморларга нисбатан пастроқ бўлиб (0,3 \pm 0,07 нг/мл), бироқ С-реактив оксил (CRP) (71,4 \pm 97,3 мг/мл), ЭЧТ (32,4 \pm 18,1 мм/соат) ва прокальцитонин (PCT) (0,23 \pm 0,28 нг/мл) кўрсаткичлари юқори бўлган.

ТС билан оғриган беморларда CRP бошқа ўткир фаза оқсиллари билан заиф корреляцияни кўрсатган бўлса-да ($r \approx 0,3$), CRP клиник яхшиланишнинг энг сезгир маркери эканлиги исботланди (даволашдан олдин CRP Ме = 34,9 мг/л, даволашдан кейин Ме = 21,3 мг/л).

ТС билан оғриган беморлар қабул қилинганда иммун жавобни рағбатлантириш учун асосий кўрсатма лейкопения бўлиб, у 9 ҳолатда ($5,8 \pm 0,2\%$) қайд этилди. Улардан 4 беморга ($2,6 \pm 0,1\%$) кунига 60 мг глутаксим, №10, сўнг ҳар икки кунда №10 курсда, ҳамда 5 беморга ($3,2 \pm 0,1\%$) кунига 6 мг полиоксидоний, №10 буюрилди. Натижада ушбу беморларда лейкоцитлар сонининг нормаллашиши кузатилди.

Аниқланган цитокин етишмовчилиги ТС билан оғриган 51 беморда ($32,9 \pm 0,4\%$) кунига 60 мг глутаксим (№10, кейин ҳар икки кунда №10) буюриш учун кўрсатма бўлди.

Д3 + К2 витаминини кунига 5000 ХБ дозада буюриш қондаги D витамини даражасини етарли оширмади. Дозани кунига 10 000 ХБ гача оширилгандан сўнг, 4 ҳафта ичида D витамини даражаси 35 нг/мл дан юқори кўтарилди. Даволашнинг интенсив босқичи охиригача барча ТС беморларига Д3 + К2 витамини 10 000 ХБ/кун, кўллаб-қувватлаш босқичида эса 5000 ХБ/кун дозада буюрилди. Гипервитаминоз ҳолатлари кузатилмади.

27 беморда ($17,4 \pm 0,3\%$) ЭЧТ >50 мм/соат бўлган иммун жавоб гиперергик деб баҳоланди. CRP >100 мг/л бўлган 10 беморга ($6,5 \pm 0,2\%$) кунига бир марта 4 мг дексаметазон вена ичига (№3) буюрилди. 3 беморда ($1,9 \pm 0,1\%$) даволаш преднизолон 15 мг дан бошланиб, бир ҳафта давомида босқичма-босқич камайтирилиб тўхтатилди. Натижада ЭЧТ <50 мм/соат, CRP эса <100 мг/л гача пасайди.

4. ТС билан оғриган беморларда гемостаз бузилишларининг олдини олиш ва даволаш

Европа Кардиология Жамияти маълумотларига кўра, веноз тромбоэмболия (ВТЭ) хавфини 10 марта ва ундан ортиқ оширадиган омилларга қуйидагилар киради: имобилизация, бўлмачалар фибрилляцияси, ВТЭ тарихи, парезлар ва плегиялар. ВТЭ хавфини 2–9 марта оширадиган омиллар қаторига сурункали юрак етишмовчилиги, сурункали нафас етишмовчилиги, инфекциялар ва аутоиммун касалликлар, қон қуйиш, марказий веноз катетер қўйилиши, эритропозни рағбатлантирувчи воситалар ҳамда оғиз орқали қабул қилинадиган контрацептивлар киради.

ТСнинг асоратланган шакллари билан оғриган беморларда, бизнинг тадқиқотларимиз кўрсатганидек, тромбоэмболия хавфи нафақат инфекция мавжудлиги билан боғлиқ бўлиб, бу ялтиғланишга қарши цитокинлар, тромбоцитлар, фибриноген ва D-димерлар даражасининг ошишига олиб келади, ҳамда ВТЭ учун аҳамиятли бўлган имобилизация ва парезлар каби омиллар билан боғлиқ. ВТЭ хавфи периперацион даврда бир неча марта ошгани кузатилди.

ВТЭ профилактикаси механик (компрессион пайпоқлар) ва медикаментоз усулларга бўлинади. Медикаментоз профилактика коагуляция тизимининг турли бўғинларига таъсир этувчи дориларни ўз ичига олади: аспирин, гепарин, эноксипарин, парнапарин, ривораксабан, аликсабан, варфарин ва К витамини

антагонистлари. Гепарин, варфарин ва К витамини антагонистлари, айниқса жарроҳлик аралашуви талаб этилган беморларда, юқори қон кетиш хавфи билан боғлиқ.

Ривароксабан қон ивишининг Ха омилининг селектив тўғридан-тўғри ингибитори ҳисобланади. У ўткир коронар синдромни бошдан кечирган беморларда инсулт ва миокард инфаркти профилактикасида самарали эканлиги билан ўзини оқлаган.

Ацетилсалицил кислотаси тромбоцитлар томонидан тромбоксан ҳосил бўлишини ингибирлаш орқали уларнинг агрегациясини камайтиради. Кўплаб тадқиқотлар ушбу препаратнинг инсулт ва инфаркт профилактикасида юқори самарадорлигини тасдиқлаган.

Эноксапарин натрий тўғридан-тўғри таъсир қилувчи антикоагулянт бўлиб, паст молекуляр оғирликка эга гепаринлар гуруҳига киради ва Ха омилига нисбатан кучли ингибирловчи фаолликка эга. У тиббиётнинг турли соҳаларида ВТЭ профилактикаси учун кенг қўлланилади.

Бемор касалхонага ётқизилгандан сўнг, *Mycobacterium tuberculosis* сезгирлигига қараб биринчи ёки иккинчи қатор туберкулёзга қарши препаратлар билан бирга патогенетик терапия буюрилди.

Биз томонимиздан туберкулёз спондилити билан оғриган беморларда ВТЭ, шунингдек операциядан кейинги қон кетишлар ва ликвореянинг олдини олишга қаратилган комплекс даволаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Барча беморларга компрессион пайпоқлар буюрилди.

Операциядан олдинги даврда, коагулограмма натижаларидан сўнг, эноксапарин натрий кунига 1,0 мг/кг дозада (максимал 80 мг ёки 8000 ХБ) 3–5 кун давомида буюрилди, кейин эса ривароксабан 10 мг/кун, ортиқча тана вазни бўлган беморларда 15 мг/кун дозада тайинланди. Юрак-қон томир касалликлари (бўлмачалар фибрилляцияси, ВТЭ тарихи) мавжуд беморларда доза 20 мг гача оширилди. Тромбоцитлар сони ошган беморларга қўшимча равишда ацетилсалицил кислотаси 75 мг/кун буюрилди. Ошқозон ва 12 бармоқ ичак яралар касаллиги тарихи бўлган беморларда ацетилсалицил кислотаси ўрнига клопидогрел 75 мг/кун тайинланди.

Антиагрегантлар операциядан 5 кун олдин, антикоагулянтлар эса операциядан 1 кун олдин бекор қилинди. Эноксапарин натрий операциядан 3–5 кун ўтгач қайта бошланиб, кейинчалик тегишли дозада ривароксабанга ўтказилди.

Маҳаллий даволаш

Операциядан кейинги ярани дренажлаш учун ташқи диаметри 9–10 мм, ички диаметри 5–6 мм ва девор қалинлиги 1,5 мм бўлган тиббий силикон найча қўлланилди. Бу ишончли дренажни таъминлади: найча эгилиш жойларида тўсилмади, ювиш пайтида деворлари ёпилмади ва ярадан секрецияларни фаол чиқаришга тўсқинлик қилмади.

Операциядан кейинги куни асептик шароитда дренаж физиологик эритма билан ювилди ва олдиндан тайёрланган бемор плазмасидан 20 мл юборилди. Бунинг учун плазмолифтинг учун мўлжалланган гелли вакуум синов найчаларга 4 та найчага 8,5 мл дан веноз қон олиниб, 15 дақиқа давомида центрифугаланди.

Учта ҳолатда умуртқали абсцесс некрэктомиясидан кейин 2-кунида, неврологик аломатларсиз, суткасига 300–400 мл ликворея кузатилди. Икки марта плазмолифтинг ўтказилгандан сўнг ликворея тўхтади. Плазмолифтинг қўлланилиши дренаж давомийлигини $4,6\pm 2,3$ кунгача қискартирди, плазмолифтингсиз ҳолатда эса дренаж $11,5\pm 5,6$ кун давом этди.

Дистал бел сегментларидаги жарроҳлик аралашувларидан кейин 4 та ҳолатда ($2,6\pm 0,1\%$) сон венасининг тромбози ривожланди. Барча ҳолатларда операция вақтида *v. lumbalis* ни *v. iliaca externa* дан чиқиш жойида қон кетиши ҳамда чап пастки оёқ мушакларининг парези кузатилди. Беморларга ацетилсалицил кислотаси 75 мг/кун, эноксапарин натрий 0,4 мл тери остига, кейин ривароксабан 10 мг, компрессион пайпоқлар ва оёқни кўтариб қўйиш тавсия этилди. 10 кун ичида шиш қамайди, 4 ҳафта ичида барча беморларда тромб реканализацияси қайд этилди.

Операциядан кейин 4 ҳафта охирида коагулограмма кўрсаткичлари қуйидагича бўлди: ПТИ – $78,5\pm 6,7\%$; протромбин вақти – $15,5\pm 1,3$ сония; ИНР – $1,19\pm 0,12$; АЧТВ – $28,5\pm 5,1$ сония; тромбин вақти – $21,4\pm 2,2$ сония; фибриноген – $2,85\pm 1,8$ г/л; фибринолитик фаоллик – $18\pm 1,5\%$; тромбоцитлар – $280\pm 50,5\times 10^9/л$.

4. Неврологик бузилишларнинг олдини олиш ва даволаш

Туберкулёз туфайли орқа мия канали стенози 34 беморда ($21,9\pm 0,33\%$) парез ва плегияга, 49 беморда ($31,6\pm 0,4\%$) эса доимий радикуляр синдромга олиб келди. Операциядан кейинги даврда 15 беморда ($9,7\pm 0,2\%$) дистал бел умуртқаларига жарроҳлик йўли билан кириш пайтида илдизли бузилишлар кузатилди.

Операциягача бўлган даврда умуртқа беқарорлиги туфайли оғриқ синдроми 26 беморда ($16,8\pm 0,3\%$) орқа мушакларининг доимий спазмини келтириб чиқарди. Шунингдек, бўйин умуртқалари шикастланган 1 беморда ($0,6\pm 0,1\%$) ва операциядан кейин 6 ой ўтгач пастки кўкрак, бел ва бел-сақрал сегментлари шикастланган 14 беморда ($9\pm 0,2\%$) ортопедик режим бузилиши натижасида мушак спазмлари сақланиб қолди.

Ўткир даврда неврологик бузилишларни даволашда глюкокортикостероидлар билан қисқа курслар самарали бўлди:

1. Дексаметазон 4–16 мг вена ичига, кунига 1 марта, 3 кун; цитиколин 1000 мг вена ичига, кунига 1 марта; фуросемид 40 мг/кун — орқа мия шишини, парез даражасини ва нейропатик оғриқни қамайтирди.

2. Sciatic нейропатияда сақрал йўл билан гидрокортизон 125 мг + 0,5% новокаин 20–30 мл.

3. Сон нерви нейропатиясида сон мушак лакунаси даражасида периневрал гидрокортизон 125 мг + 0,5% новокаин 20–30 мл.

4. Габапентин 300 мг кунига 1–3 марта.

Ўткир даврда мушак спазмларида қуйидагилар самарали бўлди:

1. Ортопедик режим: ётоқ режими, корсет ва қўлтиқтаёқлардан фойдаланиш.

2. Дори-дармонлар: дротаверин 2,0 мл + новокаин 0,5% – 2,0 мл + NaCl 0,9% – 100 мл вена ичига, кунига 2 марта, №10 курс. Кейин марказий миорелаксантлар: топеризон 50 мг кунига 3 марта ёки тизанидин 2 мг кунига 2 марта ёки баклофен 10 мг кунига 3 марта.

3. Паравертебрал гидрокортизон 125 мг + 0,5% новокаин 10 мл.

4. Даволовчи жисмоний машқлар умуртқа беқарорлиги бартараф этилгандан ва мушаклар мустақамлангандан кейин стереотипик мушак спазмларини даволашда самарали бўлди. Машқлар орқа ва думба мушакларини қамраб олган ҳолда, изотоник ва изометрик кучланишларни тўлиқ релаксация даврлари билан навбатлаштириб бажарилди.

Олинган маълумотлар асосида ТС учун диагностика алгоритми (3-жадвалга қаранг) ва ТС учун даволаш алгоритми (3-жадвалга қаранг) ишлаб чиқилди.

3 - Жадвал

ТС нинг диагностик белгиларни схема-алгоритми

Босқич I. Таъсирланган умуртқаларни клиник баҳолаш	
Босқич II. МРТ ва КТ баҳолаш; биттасини танланг	
Умуртқалараро диск шикастланиши, умуртқалараро бўшлиқнинг торайиши, иккита кўшни умуртқанинг яллиғланиши, шиши.	72 балл
Икки кўшни умуртқа таналарини терминал пластинкаларининг узурацияси(деградацияси), яллиғланиш шиши, P1NP 58,59 нг/мл дан ошганда – 78 балл . Кўрсатилган узгаришлар 3 ва ундан ортиқ умуртқаларда – 86 балл .	78-86 балл
Умуртқа танаси деструкцияси, P1NP 58,59 нг/мл дан ошиши, паравертебрал инфильтрация – 78 балл . Кўрсатилган узгаришлар 3 ва ундан ортиқ умуртқаларда – 86 балл . Деструкция чегаралари ноаник (остеопороз) – 98 балл . Агар умуртқа танаси коллапс (компрессия) билан кузатилганда – 100 балл .	78-100 балл
Паравертебрал абсцесс – 80 балл . Абсцессда кальцинатлар - 100 балл .	80-100 балл
Босқич III. Касалликнинг яллиғланиш хусусияти қўйидаги лаборатория мезонларидан 3 ёки ундан кўпроғининг комбинацияси билан тасдиқланган деб ҳисобланади: -ЕСРнинг ошиши -Лейкоцитоз, лейкопения -Оқ қон ҳужайралари сонининг чапга силжиши -Лимфопения -Фибриногеннинг ошиши -Прокалцитониннинг ошиши -СРПнинг ошиши	50 балл
Босқич IV. Иммуниетет танқислигини баҳолаш, бир ёки бир нечта касалликлар: -ОИВ инфекцияси -Сурункали гепатит ва цирроз -Сурункали аутоиммун касалликлар -Қандли диабет -Диализ -Глюкокортикостероидларни тизимли қўллаш -Иммуносупрессантларни тизимли қўллаш	50 балл
VI. Туберкулин диагностика	
Ижобий Диаскинтест	100 балл
Ижобий IGRA тести	100 балл
VII. Гистологик жиҳатдан тасдиқланган туберкулёз касаллиги	100 балл
VIII. Бактериологик жиҳатдан аниқланган МБТ	100 балл
ТС ташхиси 172 ёки ундан юқори балл билан исботланган деб ҳисобланади.	

ТС да ташҳислаш ва даволаш схема-алгоритми

№	Йўналиш	Манипуляциялар ва дорилар	Мақсад
1	Умуртқа биопсияларнинг самарадорлигини ошириш	• Дастлабки режалаштириш ва масштаблаш • Флюроскопия устида тўғри визуализация қилиш учун беморни ўқлар бўйлаб жойлаштириш • игна учи ҳолатини босқичма босқич 3D текшириш.	МБТ ни дорига сезгирлигини аниқлаш
2	Туберкулёз касаллигига қарши кимётерапия	• H-R-Z-E/H-Lfx-E/H-R-Z → Bdq-Lfx-Lzd-Cfz-Cs → Bdq-Lzd-Cfz-Cs-Dlm МБТ ни дорига сезгирлигига қараб режимни белгилаш. • Қайталаниш ҳолатларида режимни эмпирик равишда кучайтириш	МБТ ни эрадикация қилиш, қайталанишнинг олдини олиш.
3	Суяк резорбциясининг олдини олиш ва даволаш	Қон ҳажмини ва макроэлементларни тўлдириш, • Буйрак фаолияти нормал бўлганда золендрон кислота 5 мг вена ичига • ↑мочевина/креатининда Деносумаб 60мг т/о • 6–12 ойларда мочевино/креатинин ↓ ва β-CrossLaps ↑ бўлганда - золендрон кислота 5мг; ↑мочевина/креатинин ва ↑β-CrossLaps да-деносумаб 60 мг.	Суяк тўқима деструкциясини камайтириш, деформацияларнинг олдини олиш
4	Иммунологик касалликларни тузатиш	• IFN-γ 3–5 пг/мл- иммуномодуляторлар (глутоксим, полиоксидоний) • СРБ >100 мг/л-ГКС •Витамин D3+K2 10 000 ед/сут 2 мес.	Иммунитет реакциясини нормаллаштириш
5	Гемостатик касалликларнинг олдини олиш	• Компрессион боғлам •↑тромбоцитлар-ацетилсалицилат 75 мг/сут еки клопидогрел 75 мг/сут •↓ПТ/МНО/АЧТВ-ЯМП •Нормада-эноксапарин 1 мг/кг/сут <80мг №5→ ривароксабан 10-15-20 мг/сут (ТВИ, ВТЭ, БФ) •Контрол ПТ/МНО/АЧТВ хар ҳафта •Плазмолифтинг дренаждан • VL4-5-S1 жарроҳликда V.Lumbalis профилактик боғлаш.	Тромбоз ва қон кетишининг олдини олиш.
6	Неврологик касалликларнинг олдини олиш ва даволаш	•Ўткир даврда: дексаметазон 4–16 мг №3; цитиколин 1000 мг №5; фуросемид 40 мг №3 • Гидрокортизон 125 мг+новокаин 0,5%-30мл утирғич нерв нейропатиясида сакрал бўшликга, периневрал чот боғлам пастига сон нерви нейропатиясида•Ўткирости даврда: Габапентин 300 мг 1–3 раза/сут.	Компрессион миелопатияни камайтириш, нейропатик оғрикни енгиллаштириш
7	Мушак спазмларининг олдини олиш ва даволаш	Ўткир даврда: ортопедик режим; дротаверин 2,0 мл+новокаин 0,5%-2,0+NaCL 0.9%-100,0 в/в 2 махал №10; гидрокортизон 125 мг+новокаин 0,5%-10,0 паравертебрал. Ўткирости даврда: толперизон 50мг×3 еки тизанидин 2мг×2 или баклофен 10мг×3. ремиссия даврда: ЛФК, массаж.	Миофасциял кўзғатувчи нуқталарни йўқ қилиш, ҳаракатни тиклаш

ХУЛОСА

“Туберкулёз спондилити диагностикаси ҳамда комплекс даволаш усуллари патогенетик асослаш ва такомиллаштириш” диссертацияси натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тери орқали умуртқа биопсияни жарроҳлик намунаси билан солиштирилганда юқори хавфсизлик (98%) ва ўртача диагностик қиймат (25%) кўрсаткичларига эга эканлиги аниқланди, бу эса уни минимал инвазив диагностик усул сифатида қўллаш имконини тасдиқлайди.

2. Умуртқа туберкулёзи олигобациллярлик билан тавсифланади; секвенция усули орқали аниқланган специфик яллиғланиш ўчоқларининг бациллярлиги 37,3% ни ташкил қилади, секвенция усулининг сезгирлиги эса нафақат молекуляр-генетик усуллар сезгирлигидан юқори, балки туберкулёз микобактериялари штаммларини идентификация қилиш имконини ҳам таъминлайди.

3. Туберкулёз спондилитининг фаол босқичида қондаги IFN- γ даражасининг пасайиши ($3,1 \pm 9,9$ пг/мл) ва ФНО- α даражасининг ошиши ($0,7 \pm 0,48$ нг/мл), шунингдек IFN- γ /ФНО- α индексининг $72,2 \pm 63,9$ гача, айниқса абсцесслар шаклланишида эса $57,9 \pm 72,3$ гача пасайиши билан тавсифланади, бу иммун жавобнинг Th1-типдаги иммун жавобнинг заифлашувини кўрсатади. Аниқланган D витамини етишмовчилиги ($\approx 19,8 \pm 20$ нг/мл) IFN- γ даражасининг пасайиши ва суяк ремоделляцияси регуляциясининг бузилишига қўшимча омил ҳисобланади. β -CrossLaps даражасининг ошиши цитокинлар билан рағбатлантирилган суяк резорбциясини акс эттиради.

4. Туберкулёз спондилитининг фаол босқичида фибриноген ($4,0 \pm 2,1$ г/л), D-димерлар ($3,6 \pm 4,0$ мг/л) ва тромбоцитлар ($327,4 \pm 111 \times 10^9$ /л) миқдорининг ошиши ҳамда паст фибринолитик фаоллик ($9 \pm 4,4\%$) билан намоён бўлади. Бу ҳолат протромботик фон ва гемостаз тизимининг компенсатор фаоллашувини акс эттиради ҳамда дори-воситалар билан коррекция қилиш зарурлигини кўрсатади.

Фибриноген ва CRP ($r=0,40$), IL-6 ($r=0,38$) ҳамда PCT ($r=0,32$), шунингдек, D-димерлар ва ЭЧТ ($r=0,39$) ўртасида аҳамиятли корреляциялар аниқланди. Бу ушбу кўрсаткичларнинг яллиғланиш фаоллигини ва даволаш динамикасини баҳолашда диагностик ва прогностик аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди.

5. Морфологик жиҳатдан умуртқа туберкулёзи фиброз билан, қонда P1NP даражасининг ошиши, IFN- γ ва ФНО- α га боғлиқ ҳолда гранулёма тузилишининг дезорганизацияси, шунингдек цитокин–остеокласт механизми орқали қўзғатилган суяк деструкцияси билан тавсифланади. Бактериологик жиҳатдан эса ўчоқлар олигобацилляр хусусиятга эга бўлиб, бациллярлик даражаси 40% гача етади. Нурли (рентгенологик) усуллар орқали бу ҳолат деструкция ўчоқлари чегараларининг ноаниқлиги, умуртқа таналарининг коллапси, секвестрлар ва кальцинатлар кўринишида аниқланадиган бўлиб, ушбу белгилар энг юқори ижобий прогностик қийматга эга (98,3%).

6. Даволаш мажмуасига RANKL га қарши моноклонал антитаналарни (деносумаб 60 мг) ва бисфосфонатни (золедрон кислотаси 5 мг) киритиш β -CrossLaps даражасини ишончли равишда пасайтиришга (0,35–0,38 нг/мл гача) ҳамда суяк ремоделляциясининг анаболик фазага ўтишини таъминлашга имкон берди. Деносумаб бекор қилинганидан сўнг беморларнинг 3,9% ида β -CrossLaps даражасининг 1,9 нг/мл гача ошиши билан кечувчи «қайтиш (рикошет) синдроми» кузатилди, бу препаратни қайта қўллашни ёки золедрон кислотаси билан алмаштиришни талаб қилди. Бу ҳолат терапияни назорат остида яқунлаш зарурлигини тасдиқлайди.

Иммунокоррекцияни (интерферон-гамма, полиоксидоний, глутаксим) ўтказиш ҳамда D₃+K₂ витаминини буюриш (3 ой давомида кунига 10000 ед) Th1-типтаги иммун жавобни нормаллаштиришга, суяк алмашинувини барқарорлаштиришга ва комплекс даволашнинг умумий самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.06/2025.27.12. Tib.22.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ГУ
«РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ФТИЗИАТРИИ И
ПУЛЬМОНОЛОГИИ ИМЕНИ АКАДЕМИКА Ш.АЛИМОВА»**

**ГУ «РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ФТИЗИАТРИИ И
ПУЛЬМОНОЛОГИИ ИМЕНИ АКАДЕМИКА Ш.АЛИМОВА»**

БАБОЕВ АБДУВАХОБ САХИБНАЗАРОВИЧ

**ПАТОГЕНЕТИЧЕСКОЕ ОБОСНОВАНИЕ И
УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДИАГНОСТИКИ И МЕТОДОВ
КОМПЛЕКСНОГО ЛЕЧЕНИЯ ТУБЕРКУЛЕЗНОГО СПОНДИЛИТА**

14.00.26 – Фтизиатрия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК
(DSc) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2026

Тема диссертации доктора наук (DSc) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за №B2025.1.DSc/Tib1262.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре фтизиатрии и пульмонологии имени академика Ш.Алимова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tbcenter.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научные консультант:	Назиров Примкул Хужамович доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Зубань Олег Николаевич доктор медицинских наук, профессор
	Худайбердиев Кобилжон Турсунович доктор медицинских наук, профессор
	Тошпулатова Фатима Кудратовна доктор медицинских наук, доцент
Ведущая организация:	Бухарский государственный медицинский университет

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2026 г. в _____ часов на заседании Научного Совета DSc.06/2025.27.12.Tib.22.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре фтизиатрии и пульмонологии имени академика Ш.Алимова (Адрес: 100086, г. Ташкент, Шайхантахурский район, улица Мажлиси, дом 1. Тел./факс: +998 71-278-02-09, +998 71 278-15-28; e-mail: tbcenter.uz@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра фтизиатрии и пульмонологии (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100086г. Ташкент, Шайхантахурский район, улица Мажлиси, дом 1. Тел./факс: +998 71-278-02-09.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2026 года.
(Реестр протокола рассылки № ____ от « ____ » _____ 2026 года)

Н.Н. Парпиева
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Э.А. Абдуганиева
Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, старший научный сотрудник

А.С. Садиков
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Туберкулёз остаётся одной из наиболее значимых глобальных проблем здравоохранения. Одним из основных патогенетических факторов риска развития активного туберкулёза является иммунодефицит, поскольку «...около четверти населения мира инфицировано *Mycobacterium tuberculosis*...»⁴, однако лишь у 5–10% из них со временем развивается активная форма заболевания. До 80% случаев костно-суставного туберкулёза, развивающегося после гематогенной диссеминации микобактерий, приходится на туберкулёзный спондилит. У этих больных вследствие паравертебральных абсцессов и патологических переломов в 76% случаев формируются неврологические нарушения, а также вследствие длительного постельного режима развиваются сердечно-сосудистые, дыхательные, метаболические, опорно-двигательные и тромботические осложнения.

В мировой практике ведётся поиск новых подходов совершенствования ранней диагностики и патогенетического лечения больных туберкулёзным спондилитом. Остаются недостаточно изученными развивающиеся при туберкулёзе позвоночника осложнения, в частности формирование очаговой деструкции костной ткани на ранних стадиях заболевания при активации туберкулёзного воспаления, а также патогенетические механизмы, лежащие в основе её прогрессирования. До настоящего времени не установлено, являются ли указанные изменения прямым повреждающим воздействием микобактерий туберкулёза, вторичными метаболическими нарушениями, развивающимися на фоне хронического воспаления, либо иммунологическими изменениями связанными с туберкулёзным воспалением. В связи с этим изучение иммунологических и метаболических особенностей при туберкулёзном спондилите и их связь с клиническим течением заболевания, а также выявление патогенетических механизмов деструктивных процессов в костной ткани при туберкулёзе костей и суставов, представляет научный и практический интерес.

В нашей стране активно проводятся научные исследования, направленные на снижение осложнений и инвалидизации у больных туберкулёзным спондилитом. Особое внимание уделяется модернизации системы здравоохранения, внедрению инновационных подходов в диагностике и лечении, направленных на повышение качества медицинской помощи, развитию научно обоснованных технологий, а также совершенствованию организационно-методических принципов фтизиатрической службы, «...повышению эффективности, качества и доступности медицинской помощи, формированию системы медицинской стандартизации, внедрению высокотехнологичных методов диагностики и лечения...»⁵ отраженных в приоритетных задачах. Данные задачи выступают в

1. **World Health Organization.** *Global tuberculosis report 2025.* Geneva: World Health Organization; 2025.

⁵ Указ президента Республики Узбекистан за № УП-60 от 28.01.2022г. «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

качестве актуального направления научных исследований, направленных на совершенствование диагностики и комплексного лечения больных туберкулезным спондилитом на основе изучения иммунологических, морфологических и метаболических особенностей заболевания.

Научно-исследовательская работа данного диссертационного исследования в определённой степени содействует реализации задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан №УП-6221 от 5 мая 2021 года «О последовательном продолжении проводимых реформ в системе здравоохранения и создании необходимых условий для повышения потенциала медицинских работников» и №УП-88 от 19 мая 2025 года «О мерах по последовательному продолжению реформирования отрасли путём совершенствования системы здравоохранения и принципов оказания медицинской помощи населению», и Постановлениями Президента РУз №ПП-12 от 20 января 2023 года «О мерах, направленных на дальнейшее развитие фтизиатрической и пульмонологической службы в 2023–2026 годах» и №ПП-185 от 19 мая 2025 года «О дополнительных мерах по реализации реформ в системе здравоохранения», а также в других нормативных и правовых актах, регулирующих соответствующее направление деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VI «Медицина и фармакология».

Обзор международных исследований по теме диссертации⁶

Научные исследования, направленные на патогенетическое обоснование и совершенствование методов диагностики и комплексного лечения туберкулёзного спондилита, проводятся в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе: World Health Organization (Женева, Швейцария), Centers for Disease Control and Prevention (Атланта, США), Institute of Tropical Medicine (Антверпен, Бельгия), University of Cape Town (Кейптаун, Южно-Африканская Республика), National Institute for Infectious Diseases “Prof. Matei Balş” (Бухарест, Румыния), Research Center Borstel – Leibniz Lung Center (Борстель, Германия), Johns Hopkins University School of Medicine (Балтимор, США), Clinical Trials Registry of India (Нью-Дели, Индия), All India Institute of Medical Sciences (Нью-Дели, Индия), University of Oxford, Wellcome Centre for Human Genetics (Оксфорд, Великобритания), Harvard Medical School (Бостон, США), University of California, San Francisco (Сан-Франциско, США), Karolinska Institutet (Стокгольм, Швеция), University of Sydney (Сидней, Австралия), Seoul National University (Сеул, Республика Корея), Martin Luther University Halle-Wittenberg (Галле, Германия), Hungarian Research Network (HUN-REN) (Будапешт,

⁶ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации: www.who.int/tb; www.cdc.gov/tb; www.itg.be; www.uct.ac.za; www.nasta.ro; www.fz-borstel.de; www.hopkinsmedicine.org; www.ctri.nic.in; www.aiims.edu; www.well.ox.ac.uk; www.hms.harvard.edu; www.ucsf.edu; www.ki.se; www.sydney.edu.au; www.snu.ac.kr; www.uni-halle.de; www.hun-ren.hu; www.ccmu.edu.cn; www.niip.ru; www.rostgmu.ru; www.kaznmu.kz; www.tb-uzbekistan.uz, и другие авторитетные источники, на основе которых выполнено исследование.

Венгрия), Capital Medical University (Пекин, Китай), Национальный научно-исследовательский институт фтизиопульмонологии имени М. И. Перельмана (Москва, Россия), Ростовский государственный медицинский университет (Ростов-на-Дону, Россия), Казахский национальный медицинский университет имени С. Д. Асфендиярова (Алматы, Казахстан), Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр фтизиатрии и пульмонологии имени академика Ш.Алимова (Узбекистан).

На основе проведённых научных исследований, направленных на патогенетическое обоснование и совершенствование методов диагностики и комплексного лечения туберкулёзного спондилита, получен ряд научных результатов, в том числе следующие: доказана высокая частота поражения позвоночника среди костно-суставных форм туберкулеза достигающая 80% и её корреляция с ростом общей заболеваемости (All India Institute of Medical Sciences, Нью-Дели, (Индия)); уточнены анатомические механизмы артериальной и венозной диссеминации микобактерий туберкулеза в позвонки и роль бесклапанной венозной сети позвоночника в формировании множественных очагов (University of Hong Kong, Гонконг, (Китай)); установлена преобладающая локализация очагов в нижнегрудных и поясничных отделах позвоночника (Peking Union Medical College Hospital, Пекин, (Китай)); определены типы поражений, такие как парадисковый -82%, центральный-15%, а также их связь с морфогенезом деформации и неврологического дефицита (Indian Spinal Injuries Centre, Нью-Дели, (Индия)); охарактеризована роль цитокин-опосредованного остеоиммунного дисбаланса и активации оси RANK/RANKL/OPG в патогенезе костной деструкции (Kyoto University, Киото, (Япония); Osaka Medical College, Осака, (Япония)); подтверждена экспрессия RANKL в остеобластах и лимфоцитах с усилением остеокластогенеза при воздействии антигенов микобактерий туберкулеза (Nagoya University, Нагоя, (Япония)); описано значение хемокинов CXCL9, CXCL10 и CX3CL1 в активации остеокластов и миграции клеток воспаления (University of Cambridge, Кембридж, (Великобритания)); доказана низкая чувствительность гистологических и бактериологических методов при олигобациллярных формах не превышающая 30% при внелёгочном туберкулезе (World Health Organization, Женева, (Швейцария)); определена информативность МРТ для ранней диагностики и оценки неврологической компрессии (University of Cape Town, Кейптаун, (ЮАР)); разработаны современные хирургические подходы — задняя декомпрессия и транспедикулярная фиксация как малотравматичная альтернатива переднему доступу (Beijing Jishuitan Hospital, Пекин, (Китай))

В мире в ряде приоритетных направлений проводятся научные исследования, направленные на научное обоснование диагностики и лечения туберкулёзного спондилита, в том числе: обоснование этиопатогенетических причин заболевания и проблем его ранней диагностики; разработка критериев диагностики туберкулёзного спондилита на основе нейровизуализационных, иммунологических и молекулярно-генетических методов; обоснование роли

остеоиммунных механизмов в развитии костной деструкции и неврологических осложнений; разработка индивидуализированного подхода к выбору хирургической тактики; совершенствование мер по профилактике спинальных осложнений туберкулёзного спондилита.

Степень изученности проблемы. В настоящее время в мировой медицинской литературе опубликовано множество исследований, посвящённых диагностике и лечению туберкулёзного спондилита. Данные показывают, что несмотря на высокую чувствительность МРТ и КТ превышающую 90% (Fan W. et al., 2022; Wang Y.X., 2023), диагностика туберкулёзного спондилита затруднена на ранних стадиях, а ошибочность лучевых методов достигает 20% случаев (Crombé A et al., 2024; Fard S.A. et al., 2023). Бактериологическая диагностика очагов внелегочного туберкулеза остается низкой, даже при использовании молекулярно-генетических методов и может варьировать от 30% до 80% в зависимости от контингента больных (Santosh T. et al., 2023, Zhou Z. et al., 2021). Исследованиями показано, что под действием провоспалительных цитокинов (ФНО- α , ИЛ-1 β , ИЛ-6) активируются остеокласты через систему RANKL–RANK–OPG, что приводит к костной деструкции (Takegahara N. et al., 2024; Wu Z. et al., 2024). При этом повышенная экспрессия RANKL и снижение OPG коррелируют с активностью потери костной массы (Мамина Н.Ш. и соавт., 2023). Формируется состояние остеоиммунного дисбаланса, при котором воспалительная резорбция кости преобладает над остеогенезом.

По результатам исследований установлено, что у больных туберкулёзом лёгких IGRA-тесты и Диаскинтест обладают наивысшей степенью соответствия при диагностике туберкулёзной инфекции и являются удобными методами при оценке результатов (Гордеев А.А. и соавт., 2025); при туберкулёзе грудного отдела позвоночника трёхколонная дорсальная реконструкция является оптимальным хирургическим методом, сопровождающимся меньшим числом осложнений (Карпушин А.А. и соавт., 2025); установлено, что бисфосфонаты обладают высокой эффективностью в лечении остеопороза (Лесняк О.М. и соавт., 2025). В существующих научных публикациях подробно освещены критерии диагностики снижения костной массы, методы измерения минеральной плотности костной ткани, а также доказана связь снижения костной массы с воспалительными и аутоиммунными заболеваниями. При туберкулёзе позвоночника оценены критерии лучевой диагностики, их роль в определении активности туберкулёзного спондилита, а также эффективность различных хирургических вмешательств.

